

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**ШНҚ 2.08.01-24 «ТУРАР ЖОЙ ОБЪЕКТЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ» ШАҲАРСОЗЛИК
НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 25 сентябрда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 293]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2023 йил 28 августдаги ПФ-151-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 23 апрелдаги 231-сон «Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.08.01-24 «Турар жой объектларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир в.б. Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 14 август,
01/2-57-сон
Келишилди:

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси
Б. ЮСУПАЛИЕВ**

2024 йил 9 август

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири К. ШАРИПОВ

2024 йил 9 август

Рақамли технологиялар вазири Ш. ШЕРМАТОВ

2024 йил 25 июль

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 26 июль

Мактабгача ва мактаб таълими вазири Х. УМАРОВА

2024 йил 27 июнь

**Экология, атропо-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири
А. АБДУХАКИМОВ**

2024 йил 15 июль

Энергетика вазири Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ

2024 йил 25 июль

Сув хўжалиги вазири Ш. ХАМРАЕВ

2024 йил 31 июль

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М. ОЛЛОЁРОВ

2024 йил 2 август

ШНҚ 2.08.01-24 «Турар жой объектларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) баландлиги 50 m ва 16 қаватдан ошмаган (16-қават ҳам қиради) турар жой объектларини лойиҳалаш ва реконструкция қилишга оид талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚнинг талаблари ногиронлиги бўлган болалар интернат уйлари, жойлаштириш воситалари, кўчма (кўчириб юриладиган) биноларни лойиҳалашга нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

- ШНҚ 1.03.03-23 «Қурилиш объектларини лойиҳалаш»;
- ШНҚ 2.01.01-22 «Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар»;
- ШНҚ 2.01.02-04 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги»;
- ҚМҚ 2.01.03-19 «Сейсмик ҳудудларда қурилиш»;
- ШНҚ 2.01.04-18 «Қурилиш иссиқлик техникаси»;
- ҚМҚ 2.01.05-19 «Табиий ва сунъий ёритиш»;
- ҚМҚ 2.01.07-96 «Юклар ва таъсирлар»;
- ҚМҚ 2.01.08-19 «Шовқиндан ҳимоя»;
- ШНҚ 2.01.09-19 «Чўқувчан ва ўта чўқувчан грунтли ҳудудларда қуриладиган бино ва иншоотлар»;
- ҚМҚ 2.01.18-18 «Бинолар ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва кондициялаштириш учун энергия сарфи меъёрлари»;
- ШНҚ 2.02.01-19 «Бино ва иншоотларнинг асослари»;
- ШНҚ 2.03.01-24 «Бетон ва темир-бетон конструкциялар»;
- ШНҚ 2.03.05-23 «Пўлат конструкциялар. Лойиҳалаш талаблари»;
- ШНҚ 2.03.07-24 «Тош ва арматураланган тошли конструкциялар»;
- ШНҚ 2.03.10-19 «Томлар ва том қопламалар»;
- ШНҚ 2.03.13-24 «Поллар»;
- ҚМҚ 2.04.01-98 «Бинолар ички водопроводи ва канализацияси»;
- ШНҚ 2.04.05-22 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш»;
- ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари»;
- ШНҚ 2.04.09-07 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси»;
- ШНҚ 2.04.15-23 «Фотоэлектрик станциялар (тизимлар)»;
- ШНҚ 2.04.16-23 «Қуёш сув иситиш тизими қурилмалари»;
- ШНҚ 2.04.17-19 «Турар жой ва жамоат биноларининг электр жиҳозлари»;
- ШНҚ 2.04.18-22 «Шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли яшайдиган жойларни ташқи ёритиш»;
- ШНҚ 2.04.20-22 «Турар жой объектлари ва жамоат биноларининг муҳандислик ускуналари учун коммуникация ва диспетчерлаш тизимлари. Лойиҳалаш талаблари»;
- ШНҚ 2.07.01-23 «Аҳоли пунктларининг ҳудудларини ривожлантириш ва қуришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш»;
- ШНҚ 2.07.02-22 Қурилиш объектларини ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кексалар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштириш»;

ШНҚ 2.07.05-19 «Яшил қурилиш. Турар жой ва жамоат бинолари»;
ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари»;
СанҚваН 0339-16 «Ўзбекистоннинг аҳоли яшайдиган ҳудудларини режалаштириш ва қуришдаги санитария қоидалари ва нормалари»;
СанҚваН 0331-16 «Ўзбекистон иқлим шароитида турар жой биноларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишдаги санитария қоидалари ва нормалари»;
СанҚваН 0019-21 «Радиотехник иншоотларни жойлаштириш ва улардан фойдаланишга қўйиладиган гигиеник талаблар»;
ГОСТ 27751-2014 Қурилиш конструкциялари ва асосларнинг ишончилиги. Асосий қоидалар *(расмий манба: Надёжность строительных конструкции и оснований. Основные положения)*;
ГОСТ 34058-2021 Бино ва иншоотларнинг ички муҳандислик тармоқлари. Маиший кондиционерлаш тармоқларининг парланиш ва компрессор-конденсатор блокларини монтаж қилиш ва ишга тушириш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш. Ишларни бажариш қоидалари ва назорати *(расмий манба: Инженерные сети зданий и сооружений внутренние. Монтаж и пусковая наладка, техническое обслуживание и ремонт испарительных и компрессорноконденсаторных блоков бытовых систем кондиционирования. Правила и контроль выполнения работ)*;
ГОСТ 5746-2015 Йўловчи ташувчи лифтлар. Асосий кўрсаткичлари ва ўлчамлари *(расмий манба: Лифты пассажирские. Основные параметры и размеры)*;
ГОСТ 28911-2015 Лифтлар. Бошқариш қурилмалари, сигнализация ва қўшимча мосламалар *(расмий манба: Лифты. Устройства управления, сигнализации и дополнительные приспособления)*;
ГОСТ Р 56926-2016 Турар жой бинолари учун турли хилдаги дераза ва балкон конструкциялари. Умумий техник талаблар *(расмий манба: Конструкции оконные и балконные различного функционального назначения для жилых зданий. Общие технические условия)*;
ГОСТ 23166-2021 Дераза ва балкон конструкциялари. Шаффоф тўсувчи. Умумий техник шартлар *(расмий манба: Конструкции оконные и балконные. Светопрозрачные ограждающие. Общие технические условия)*;
ГОСТ 30826-2014 Кўп қатламли ойналар. Техник шартлар *(расмий манба: Стекло многослойное. Технические условия)*;
ГОСТ 31462-2011 Ҳимояловчи дераза блокларини. Умумий техник талаблар *(расмий манба: Блоки оконные защитные. Общие технические условия)*;
ГОСТ 33984.1-2016 Лифтлар. Қуриш ва ўрнатишга қўйиладиган умумий хавфсизлик талаблари. Одамлар ёки одамлар ва юкларни ташиш учун лифтлар *(расмий манба: Лифты. Общие требования безопасности к устройству и установке. Лифты для транспортирования людей или людей и грузов)*;
ГОСТ 34305-2017 Йўловчилар лифтлари. Ўт ўчирувчилар учун лифтлар *(расмий манба: Лифты пассажирские. Лифты для пожарных)*.

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ШНҚда қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилган:

турар жой объектлари — одамлар яшаши учун мўлжалланган бинолар, доимий яшаш учун уй-жойлар (хонадонлар), шунингдек вақтинча яшаш учун ётоқхоналар, меҳмонхоналар, мактаб-интернатлар, қариялар уйлари;

жойлаштириш воситалари — меҳмонхоналар, туристик базалар ва мажмуалар, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, меҳмон уйлари, санаторийлар ҳамда меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш бўйича хизматлар) кўрсатиладиган бошқа объектлар, шунингдек жойлаштириш воситаси сифатида тунаш учун жиҳозланган ер усти транспорти;

кўп квартирали уй — кўп квартирали уйга туташ ер участкасига ёхуд бундай уйдаги умумий фойдаланиладиган жойларга мустақил чиқиш йўлакларига эга бўлган икки ва ундан ортиқ квартиралар мажмуидир;

реконструкция қилиш — асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларни (юкламаларни, хоналарнинг режалаштирилишини, бинонинг қурилиш ҳажмини ва умумий майдонини, муҳандислик жиҳатдан жиҳозланишини) ўзгартириш билан боғлиқ қурилиш ишлари ва ташкилий-техник тадбирлар мажмуи;

вентиляция канали — бинодаги хоналар вентиляцияси учун мўлжалланган, бинони баландлигига тенг, горизонтал бўшлиқ;

веранда — бинонинг асосий ҳажмига ёпиштириб қурилган ойнаванд ёзги хона;

ертўла қавати — хоналар полини сатҳи текисланган ер сатҳидан пастлиги хона баландлигининг ярмидан кўп бўлган қават;

ёзги хона — йилнинг иссиқ (илик) даврида, дам олиш ва хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган очик (яримочик) ёки ойнаванд иситилмайдиган хона;

лоджия — уч томондан девор билан ўралган, ташқи томондан очик ёки ойнаванд, бино ҳажмига эга ботиқ ёзги бино;

мансарда қавати (мансарда) — чордоқ бўшлиғида жойлаштириладиган қават;

стилобат — бинонинг поғонали ярим ертўласининг юқори қисми ёки бир нечта биноларни боғлайдиган умумий ярим ертўла;

тахмонсимон ошхона — квартиранинг яшаш ёки ёрдамчи хоналари билан туташ жойлашган, электр плита (электр печлари), идиш-товоқ ювгич ҳамда механик ёки табиий ҳаракатланувчи ҳаво сўргичлари билан жиҳозланган, овқат тайёрлаш ҳудуди;

чордоқ — том қопламаси ва юқори қават ёпмаси орасидаги бўшлиқ;

ярим ертўла (цоколь) қавати — хоналар полининг сатҳи, текисланган ер сатҳидан пастлиги хона баландлигини ярмидан кўп бўлмаган қават;

ҳовли — маиший ва хўжалик мақсадларида фойдаланиладиган, уйга туташган очик майдон.

3-боб. Умумий қоидалар

3. Турар жой объектларини лойиҳалаш ва реконструкция қилиш ушбу ШНҚ асосида амалга оширилиши лозим.

4. Турар жой объектларини лойиҳалашда санитария-гигиена, ёнғинга қарши ва функционал-типологик талаблар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаётий фаолияти шароитлари, зилзилабардошлик, микроиклим қулайлиги, энергия тежамкорлик ва энергия самарадорликни таъминлаш талаблари, замонавий муҳандислик жиҳозларини қўллаш талаблари комплекс ҳолда ҳисобга олиниши керак.

5. Турар жой объектларини аҳоли пунктлари ҳудудларида жойлаштириш, улар билан бошқа бино ва иншоотлар орасидаги масофа, ер участкаларининг ўлчамлари ШНҚ 2.01.02-04, ШНҚ 2.07.01-23 ва СанҚваН 0339-16ларга мувофиқ бўлиши керак.

6. Биноларнинг қаватлилиги, узунлиги ва композицион-тарҳий ечимлари ушбу ШНҚ ҳамда ШНҚ 2.01.02-04, ҚМҚ 2.01.03-19ларига асосан аниқланиши лозим.

7. Кўп квартирали уйларнинг қаватлар сони, яшаш ва умумий майдонлари, қурилиш ҳажмини ҳисоблаш ушбу ШНҚнинг 1-иловасида келтирилган.

8. Қариялар ва ногиронлиги бўлган шахсларни жойлаштириш учун ихтисослаштирилган кўп квартирали ҳамда интернат уйлар уч қаватдан баланд қилиб лойиҳалашга йўл қўйилмайди.

9. Турар жой объектларини лойиҳалашда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бино олдидаги ҳудудда ҳамда бинога кириш гуруҳининг хоналари, эшик олди майдончаси, вестибюль, зинапояга олиб борувчи йўлак, лифтга кириш майдончасида эркин ҳаракатланишлари учун ШНҚ 2.07.02-22га мувофиқ шарт-шароитлар таъминланиши лозим.

10. Турар жой объектларини лойиҳалашда қуйидаги муҳандислик жиҳозларини ўрнатиш ҳисобга олиниши зарур:

ичимлик суви, ёнғинга қарши ва иссиқ сув таъминоти, оқова сувларни оқизиш тизимлари ҳамда тарновларни ШНҚ 2.04.01-24 га мувофиқ;

иситиш ва вентиляция, тутундан муҳофаза қилиш ШНҚ 2.04.05-22 га асосан;

муҳандислик ускуналари учун коммуникация ва диспетчерлаш тизимларини ШНҚ 2.04.20-22 га мувофиқ;

электр ёритиш, куч электр ускуналари, телефонлаштириш, телевизор антенналари ва овозли сигнализация, шунингдек ёнғин сигнализацияси ва эвакуацияни бошқариш тизими, ёнғин бўлинмалари ва одамларни қутқарув воситаларини ташиш учун лифтлар;

кўп квартирали уйларнинг томларида эшиттиришларни биргаликда қабул қилиш антенналарининг устунлари;

ёмғир сувларини йиғиш ва улардан маиший эҳтиёжларда фойдаланиш тизимлари.

11. Барча турдаги турар жой объектларига кирувчи электр кабеллари уч фазали қилиб лойиҳаланиши, бунда улар нейтрал ва ерланиш ўтказгичнинг кесими фазалар ўтказгичларининг кесимига тенг бўлиши лозим.

Турар жой объектларига кирувчи магистрал кабеллар ва фазалар орасидаги кучланиш бир хил тақсимланиши ($220 \pm 10\%$) ҳамда уларга узатилаётган кучланиш 380 V бўлиши (А-В-С-N ва РЕ) лозим.

12. «Яшил» турар жой объектларини лойиҳалашни ШНҚ 2.07.05-19га мувофиқ амалга ошириш лозим.

13. Турар жой объектларини табиий ва сунъий ёритиш ҚМҚ 2.01.05-19 ҳамда ШНҚ 2.01.04-18 талабларига мувофиқ бажарилиши керак.

14. Турар жой объектлари учун йўл қўйиладиган шовқин даражаси ҚМҚ 2.01.08-19 талабларига ҳамда ушбу ШНҚнинг 8-иловасидаги кўрсаткичлар бўйича қабул қилиниши лозим.

4-боб. Кўп квартирали уйлар

1-§. Асосий талаблар

15. Кўп квартирали уйларнинг ҳажмий-тарҳий ечимлари ушбу ШНҚ талаблари ҳамда ижтимоий-демографик талаблари асосида лойиҳалаш топшириғи билан белгиланиши керак.

16. Кўп квартирали уйларнинг композицион-тарҳий (ҳажмий-тарҳий) ечимлари энергия тежамкорлик ва энергия самарадорлик тамойилларини ҳисобга олиши, яшаш учун қулай шароитларни, кўкаламзорлаштирилган ёндош майдонлар билан боғлиқликни таъминлаши лозим.

Кўп квартирали уйларнинг ҳовли ҳудудида ҳаво айланиши учун иморатлар бўлмаган майдонлар, икки ёқлама очик пиёда ва автомобил ўтиш йўлакларини лойиҳалашга йўл қўйилади. Бунда, ҳовлилар транзит йўллардан ажратилган бўлиши керак.

17. Аҳолиси жуда зич бўлган шаҳар қурилиши учун кам қаватли уй-жойларни ўзаро боғлиқ турар жой гуруҳлари кўринишида лойиҳалаш, ушбу ШНҚ ҳамда ШНҚ 2.07.01-23 талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бунда, очик ҳовлиларнинг юзаси 3 хонали квартира учун — 30 m^2 , 6 хонали квартиралар учун — 60 m^2 дан кам бўлмаслиги керак.

18. Кўп квартирали уйларнинг 1-қаватлардаги квартиралардан тегишли ер участкаларига чиқиш жойларини 20 — 50 m^2 бўлган ўлчамларда лойиҳалашга йўл қўйилади.

19. Транспорт ҳаракати серкатнов бўлган магистрал ҳамда катта кўчалар бўйлаб жойлаштириладиган турар жой объектларининг яшаш хоналари ва ёзги хоналарини ободонлаштирилган ҳовлилар томонга қаратиб лойиҳалаш лозим.

20. Магистрал ва катта кўчаларнинг қатнов қисмидан кўп квартирали уйларгача бўлган масофа, уйларнинг ҳудудларидаги болалар ўйин ва спорт майдончаларини, пиёдалар ва автомобил йўллари ҳамда кўкаламзорлаштириладиган зоналарни ШНҚ 2.07.01-23га мувофиқ лойиҳалаш лозим.

21. Ҳовли майдончалари ёритилган, автотураргоҳлардан тўсилган бўлиши лозим.

22. Дарахтларни электр узатиш тармоқларининг устунларидан ҳамда ерости коммуникацияларидан 2 метр узокликдан ўтказиш зарур.

23. Кўп квартирالي уйларнинг ҳовлисидаги спорт ва ўйин майдончалари қўшни ҳудуднинг чегарасидан, шунингдек ҳудуддаги йўллар ва тўхташ жойларидан камида 3 метр масофада жойлаштирилиши керак.

24. Кўп квартирالي уйлар ҳудудидаги автотураргоҳлар ШНҚ 2.07.01-23 талабларига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

Кўп квартирالي уйлар таркибидаги жамоат хоналарига ташриф буюрувчилар учун автомобилларнинг тўхташ жойлари бинода яшовчилар учун ажратилган тўхташ жойидан алоҳида жойлаштирилган бўлиши лозим.

25. Кўп квартирالي уйларнинг ерости қаватида автотураргоҳлар лойиҳаланганда, квартираларни захарли газлардан ҳимоя қилиш учун қуйидаги чоралар қўрилиши лозим:

автотураргоҳнинг кириш (чиқиш) жойларини яшаш хоналарининг деразалари томонида жойлаштирмаслик;

кириш жойлари устига соябонлар ўрнатиш.

26. Автотураргоҳларни лойиҳалашда автомобиллар туриш жойларининг камида 5 фоизи электромобиллар учун, 2,5-3 фоизи ШНҚ 2.07.02-22га мувофиқ ногиронлиги бўлган шахсларнинг автомобиллари учун ажратилган бўлиши керак.

27. Велосипедларни сақлаш жойларини қуйидаги усуллар билан ташкил этишга йўл қўйилади:

велосипеднинг рамаси ва иккала ғилдираги маҳкамлаб қўйилиши мумкин бўлган қурилмалар ўрнатиш;

тўлиқ ёпиқ ва қулфланадиган велосипедлар қутиси.

28. Квартираларнинг магистрал кўчалар томонидаги яшаш хоналарига шовқиндан ҳимояловчи махсус конструкцияли деразалар лойиҳаланиши керак.

29. Магистрал кўчаларга қаратилган кўп квартирالي уйларнинг фасадида кондиционерларнинг агрегатларини ўрнатишда конструктив ечимлар ҳисобига уларнинг ташқаридан кўринмаслигини таъминлаш лозим.

30. Кўп квартирالي уйларнинг ягона архитектуравий киефасини сақлаб қолиш учун балкон ва лоджияларни лойиҳавий ҳажмлардан чиқмаган ҳолда деразалар ўрнатишга йўл қўйилади. Бунда, деразаларнинг очиладиган қисми камида 0,7x1,5 м бўлиши керак.

31. Кўп квартирالي уйларни магистрал кўчаларнинг салбий таъсиридан ҳимоялашни экранлар, жалюзилар, қалин ўсадиган маҳаллий шароитларга мос ҳимояловчи ўсимликлар ҳисобига амалга ошириш керак.

32. Кўп квартирالي уйларнинг юқори қаватида ходимлар сони 5 тадан ошмаган офисларни жойлаштиришга йўл қўйилади. Бунда, қаватнинг зинапоя катагига ўтишни тамбур орқали лойиҳалаштирилиши лозим.

2-§. Квартиралар

33. Кўп квартирالي уйларнинг квартиралари қуйидаги тарҳий элементлардан таркиб топган бўлиши керак:

яшаш хоналари;

ёрдамчи хоналар (ошхона, даҳлиз, ваннахона, ҳожатхона (ёки бирлаштирилган санузел), хўжалик хонаси ёки девор ичига қурилган хўжалик шкафлари.

Ёзги хоналарни (айвонлар) қуришга йўл қўйилади.

34. Квартираларнинг минимал майдони қуйидаги 1-жадвалга мувофиқ бўлиши лозим.

1-жадвал

Квартиралардаги хоналар сони	1	2	3	4	5	6
Квартира майдони *, м ²	28	48	64	80	96	114

* Квартираларнинг нормалаётган майдони (ёзги хоналар ва иситилмайдиган хўжалик хоналарисиз) яшаш ва ёрдамчи хоналарни ўз ичига олади.

Изох. Жадвалда келтирилган рақамлар, шаҳар ва қишлоқ жойлардаги «ижтимоий» квартиралари турар жойларнинг барча турларига тааллуқлидир.

35. Квартиралар яшаш хоналарининг майдонлари қуйидаги ўлчамлардан кам бўлмаслиги керак:

бир хонали квартиралардаги хона — 14 м²;

икки ва ундан ортиқ хонали квартиралардаги умумий хона (меҳмонхона) — 16 м²;

ётоқхоналар — 8 м² (икки киши учун — 12 м²);

ошхона — 6 м², икки ва ундан ортиқ хонали — 8 м²;

дахлиз, йўлак — 4 м²;

санитария-хонаси (ваннахона ва ҳожатхона) — 4.

Бир хонали квартиралар учун ошхоналар ёки тахмонсимон ошхоналарни камида 5 м², шунингдек мансарда қаватидаги ётоқхонани эса 7 м² (квартирадаги умумий хонанинг майдони 16 м² дан кам бўлмаган ҳолда) лойиҳалашга йўл қўйилади.

I-иқлимий қурилиш зонаси шароитида ётоқхона майдони бир киши учун — 9 м², икки киши учун эса 14 м² дан кам бўлмаслиги керак.

36. Квартираларнинг яшаш ва ёрдамчи хоналари ўлчамлари жиҳозлар зарурий тўплами ва эргономика талабларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Ётоқхонанинг эни 2,4 м дан, умумий хонанинг эни эса 3 м дан кам бўлмаслиги керак.

Турар жой объектларида маҳаллий иситиш тизимидан фойдаланилганда, иситиш тизими қурилмаси (котёл) учун майдон камида 5 м² бўлиши ҳамда у алоҳида хонада жойлаштирилиши лозим.

37. Яшаш майдонининг ҳисобий кўрсаткичлари таъминланганлик даражасини, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни, қурилишни ресурс билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳалаш топшириғи билан белгиланади, бироқ бир киши ҳисобига 16 м² кам бўлмаган умумий майдон ҳажмида, кресло-аравачада ҳаракатланадиган ногиронлиги бўлган шахслар учун эса учун 23 м² дан кам бўлмаслиги керак.

38. Яшаш хоналари ва ошхоналарнинг баландлиги полдан шифтгача камида 2,7 м бўлиши лозим.

Ёрдамчи хоналар баландлиги камида 2,4 м бўлишига йўл қўйилади.

39. Ошхонанинг эни жиҳозлар бир томонда жойлашганда 1,7 м дан, икки томонида жойлашганда эса 2,2 м дан кам бўлмаслиги лозим.

40. Дахлизнинг эни 1,4 м дан, квартиранинг яшаш хоналарига олиб борадиган ички йўлаклари — 1,1 м дан, ёрдамчи хоналарга олиб борадиган йўлаklar эса 0,9 м дан кам бўлмаслиги керак.

41. Ёзги хоналар, қаватлардаги квартираларга ёндош ҳовлилар (террасалар) лойиҳалаш топшириғи билан белгиланишига йўл қўйилади.

Фавқулудда вазиятларда эвакуация чиқишлари билан қўшилган ёзги хоналар мазкур ШНҚнинг 341-бандига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

42. Квартираларнинг санитария-гигиена хоналари ушбу ШНҚнинг 248-банди бўйича санитария-гигиена жиҳозлари билан жиҳозланганлик талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

43. Ҳожатхоналар қўл ювиш анжомлари билан лойиҳаланиши, уларнинг эни 1,6 м дан, бирлаштирилган санузелларнинг эни эса 2,2 м дан кам бўлмаслиги керак.

44. Бирлаштирилган санузеллар бир хонали квартираларда, шунингдек қўл ювиш анжомли ҳожатхоналар лойиҳаланганда ёки ётоқхоналар ичкарасига ҳожатхоналар бирлаштирилган квартираларда қўлланилишига йўл қўйилади.

45. Кир ювиш машиналари учун ваннахона ёки бирлаштирилган санузелларда, 0,45x0,75 м ҳисобида жой лойиҳаланиши лозим.

46. Ўриндиқли аравачадаги ногиронлиги бўлган шахслар ётоқхонасидан ташқари, ошхона ва яшаш хоналаридан ҳожатхоналарга бевосита киришга йўл қўйилмайди.

47. Квартираларда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

яшаш хоналари ва ошхоналар устига ҳожатхоналар ва ҳаммомларни жойлаштиришга (икки қаватли квартиралар бундан мустасно).

жиҳозлар ва қувурўтказгичларни бевосита квартираларни ажратадиган деворларга, яшаш хоналарининг пардеворларига ўрнатишга.

48. Санузелларда ҳаво айланиши учун у ердаги эшикнинг пастки қисмида панжара ёки баландлиги 3 mm очиқ жой лойиҳаланиши керак.

3-§. Хўжалик хоналари

49. Кўп квартирали уйларнинг биринчи ёки ярим ертўла (цоколь) қаватида тозалаш анжомларини сақлаш учун кўл ювгич ўрнатилган хўжалик хоналари, шунингдек бинода яшовчилар учун (техник қават бундан мустасно) алоҳида хўжалик хоналарини лойиҳалашга йўл қўйилади.

50. Хўжалик хоналарини лойиҳалашда қаватдан чиқиш жойлари ёнғин хавфсизлиги ҳамда ушбу ШНҚнинг 92-93-бандлари талабларини ҳисобга олиш лозим.

4-§. Нотураар жой қаватларига қўйиладиган талаблар

51. Янги қуриладиган кўп квартирали уйларнинг пастки қаватларида савдо-маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган хоналар, офисларни жойлаштиришга йўл қўйилади.

52. Жамоат хоналари жойлашган қаватнинг баландлиги ШНҚ 2.08.02-23 га мувофиқ бўлиши лозим.

Жамоат хоналарини лойиҳалашда, уйнинг яшаш муҳитини бузиши мумкин бўлган ёмон таъсирлардан ҳимоя чоралари ушбу ШНҚга мувофиқ таъминланиши керак.

53. Кўп квартирали уйларнинг ички туташтириб қурилган хоналарини, шунингдек ертўлаларни лойиҳалаш, реконструкция қилиш ва фойдаланишда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги 648-сон қарори билан тасдиқланган Кўп квартирали уйнинг ертўласидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари инобатга олиниши лозим.

54. Кўп квартирали уйларда ҳамда унинг томи ва конструкцияларида жамоат аҳамиятига эга бўлган бинога хизмат кўрсатишга мўлжалланмаган, ўзидан зарарли моддалар ажратувчи, шовқин ва вибрация ҳосил қилувчи, ёмон таъсир кўрсатувчи нурланиш манбаи бўлган ва СанҚваН 0019-21 талабларига мувофиқ бўлмаган қурилмаларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди (ушбу ШНҚга мувофиқ бундай биноларда жойлаштириладиган штатли ускуна бундан мустасно).

55. Яшашга мўлжалланган хоналар, техник қаватлар ва чордоқларда кўчма ёки радиоалоқа база станциялари ҳамда бошқа радиоузатувчи қурилмаларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

56. Яшашга мўлжалланмаган жамоат ва хизмат кўрсатиш хоналарида ШНҚ 2.04.09-07 ва ШНҚ 2.08.02-23 талабларига мувофиқ ёнғин сигнализацияси ҳамда ёнғин автоматикаси тизимлари бўлиши керак.

57. Синтетик буюмлар (гуллар, гиламлар) дўконлари кўп квартирали уйларнинг оловбардошлик чегараси REI 150 бўлган яхлит деворларига туташган хоналарда жойлаштиришга йўл қўйилади.

58. Лойиҳаланаётган 5 ва ундан ортиқ қаватли уйларнинг ички туташган хоналарида кам сиғимли (1-2 гуруҳ) мактабгача таълим ташкилотларидан ташқарига алоҳида чиқиш йўли лойиҳалашга йўл қўйилади.

59. Кўп квартирали уйларни реконструкция қилишда уйнинг биринчи қаватида кичик савдо-маиший хона, офислар ушбу ШНҚ талабларига риоя қилган ҳолда лойиҳалашга йўл қўйилади.

60. Мавжуд кўп квартирали уйларнинг техник ертўлалари, ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватларида маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини жойлаштиришга йўл қўйилади.

61. Ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватларда жойлашган хоналарнинг девор ва шифтлари юза қопламаси учун ёнмайдиغان материаллар қўлланилиши лозим (ҳожатхоналар, гигиена кабиналари, душ хоналар, бассейнлар, куруқ ҳаммомлар, сув билан даволовчи хоналар бундан мустасно).

62. Кўп квартирали уйларнинг ертўла қаватларида қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

ертўлада яшаш хоналари мақсадида лойиҳалаштиришга;

баландлиги 2,2 метрдан паст бўлган ертўлаларни фойдаланишга берилишига;

63. Янги қурилаётган кўп квартирали уйларнинг ярим ертўла (цоколь) қаватларида куйидаги шартлар бажарилган ҳолларда яшаш хоналарини жойлаштиришга йўл қўйилади:

ерости сувлари ер сатҳидан 3 m ва ундан пастда бўлган ҳудудларда;

ярим ертўла (цоколь) қаватининг камида 1/3 қисми ер сатҳидан юқорида лойиҳалаштирилганда;

ярим ертўла (цоколь) қавати хоналарининг полдан шифтгача бўлган баландлиги 2,7 m дан кам бўлмаганда;

ярим ертўла (цоколь) дан ўтувчи горизонтал муҳандислик тизимлар (тармоқлар) яшаш хоналарини инобатга олган ҳолда жойлаштирилганда;

ярим ертўла хоналарининг ташқи деворлари ва полларининг иссиқлик ҳимояси ҳамда сувдан ҳимоялаш (гидроизоляция) таъминланганда;

ярим ертўлаларда (цоколь) умумий фойдаланишдаги алоҳида техник хоналар лойиҳалаштирилганда;

ярим ертўла (цоколь) турар жой қисмидаги ювиниш ва хожатхона жойлашуви лойиҳа ҳужжатларида тепа қаватлар билан бир хил бўлганда;

ярим ертўла (цоколь) турар жой қисмидан умумий фойдаланишдаги оқова сувларни оқизиш тармоқларини ораёпма қисмидан горизонтал равишда ўтказилмаган ва муҳандислик тармоқларини девор ичига жойлаштирилмаган ҳолда.

0331-16-сон СанҚваН талаблари бажарилганда;

яшаш хоналаридан тўғридан-тўғри ташқарига чиқувчи деразалар ўрнатилганда;

табiiй ёруғлик ва инсоляция даражасининг 22 февралдан 22 октябргача бўлган даврда 2 h дан (соат) кам бўлмаган даражаси таъминланганда;

ҳавонинг яхши айланиши (механик вентиляцияси) таъминланганда;

ярим ертўла (цоколь) қаватидаги ошхона ва санитария хоналари канализация тизими бинонинг умумий канализация тизими сатҳидан юқори жойлашганда ҳамда қайтарувчи клапан билан жиҳозланганда;

таом тайёрлаш учун электр плиталардан фойдаланилганда;

табiiй ва суюлтирилган газларда, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларда ҳамда портлаб ёниш хавфига эга бўлган бошқа моддалар ва материалларда ишлайдиган қурилма ва асбоб-ускуналар бўлмаганда.

64. Кўп квартирали уйларнинг ярим ертўла (цоколь) қаватида квартиралар жойлаштирилганда куйидаги эвакуация талаблари таъминланиши лозим:

кириш эшиклари ташқи томонга очилиши ҳамда ёнғин хавфи вужудга келганда одамларни эвакуация қилиш учун камида иккита тўғридан-тўғри ташқарига чиқувчи жойлар бўлиши;

хонадонлар фақатгина йўлак турида лойиҳалаштирилиши ҳамда квартирадан эвакуация чиқиш жойига биттадан кўп бўлмаган бурилиш орқали етиб борилишини таъминланиши;

хонадоннинг чиқиш эшигидан энг узоқда жойлашган эвакуация чиқиш жойигача бўлган масофа 12 метрдан ошмаслиги;

бинонинг юқори қаватлари билан ярим ертўла (цоколь) қаватлари зина катаклари тўғридан-тўғри боғланмаслиги;

ҳар бир хонадондан ўлчамлари 0,8 x 1,2 m дан кам бўлмаган авария чиқиш жойлари билан таъминланиши;

авария чиқиш жойлари одамларни қутқаришга тўсқинлик қилувчи воситалар билан тўсилмаслиги (металл панжара ва бошқа турдаги тўсиқлар).

65. Ярим ертўла (цоколь) қаватида жойлашган квартираларнинг фойдали ва яшаш майдонлари лойиҳаларда 0,5 коэффициент билан ҳисобга олинади.

66. Кўп квартирали уйларда жойлашган жамоат хоналари квартираларнинг хоналаридан 1-турдаги ёнғинга қарши пардеворлар ва 3-турдаги бўшлиқларсиз ора ёпма билан, I даражали оловбардошликка эга биноларда 2-тур ора ёпма билан ажратилиши керак.

67. Жамоат хоналарини (яшовчиларга мўлжалланган махсус жамоат хоналари бундан мустасно) бинонинг турар жой қисмидан ажратилган алоҳида кириш ва чиқишлари бўлиши керак.

68. Умумий майдони 300 m^2 дан катта бўлмаган ва ишчилар сони 15 тагача бўлган биринчи ва ярим ертўла (цоколь) қаватда жойлашган жамоат хоналаридан битта эвакуация чиқиш жойи бўлишига йўл қўйилади.

69. Ички ва ички туташтириб қурилган хизмат кўрсатиш корхоналарига квартираларга кириш томондан юк туширишга йўл қўйилмайди.

70. Юк тушириш учун бинонинг деразалари бўлмаган ён томонида алоҳида жой белгиланиши керак.

71. Ички ва ички туташтириб қурилган савдо майдони 200 m^2 дан ортик бўлган савдо марказлари, дўконлар учун туннел орқали ерости юк тушириш жойи ажратилиши лозим.

72. Ички қурилган, майдони 150 m^2 гача бўлган жамоат хоналарига юк тушириш жойи лойиҳаланмасликка йўл қўйилади.

73. Ертўла қаватида жойлашган ва муҳандислик жиҳозларини жойлаштириш ва коммуникацияларни ўтказишга мўлжалланган хоналар бошқа хоналардан ёнғинга қарши пардеворлар билан ажратилиши керак.

74. Техник ертўланинг ҳар бир пардевор ва ички деворида, ёнғинга қарши тўсиқлардан ташқари шифт остида ҳар бирининг юзаси $0,02 \text{ m}^2$ дан кам бўлмаган туйнуклар бўлиши лозим.

75. Ички ва ички туташтириб қурилган жамоат хоналарининг бинонинг яшаш қисмидан ўтадиган муҳандислик тармоқлари ёки яшаш қисмининг ички қурилган хоналаридан ўтадиган коммуникациялар (сув ва иситиш металл трубалар бундан мустасно) ёнғинга қарши пардеворлар билан тўсилган алоҳида шахталардан ўтказилиши керак.

76. Техник ертўлаларнинг пол сатҳидан ора ёпма остигача бўлган баландлиги — $1,8 \text{ m}$ дан, маҳаллий (хусусий) иссиқлик пунктларининг баландлиги эса $2,2 \text{ m}$ дан кам бўлмаслиги лозим.

77. Чордоқлар, техник чордоқларнинг бино узунлиги бўйлаб охиригача баландлиги $1,6 \text{ m}$ дан, эни $1,2 \text{ m}$ дан кам бўлмаган икки томони очиқ бўлган ўтиш йўлаги лойиҳаланиши керак.

78. Узунлиги 2 m дан ошмайдиган алоҳида ҳудудларда ўтиш йўлагининг баландлигини $1,2 \text{ m}$, энини $0,9 \text{ m}$ гача камайтиришга йўл қўйилади.

79. Техник ертўла, ярим ертўла (цоколь) ва ертўла қаватларида бинонинг узунлиги бўйлаб охиригача баландлиги $1,8 \text{ m}$ дан кам бўлмаган икки томони очиқ ўтиш жойи лойиҳаланиши керак.

Узунлиги 1 m дан ошмаган айрим ҳудудларда ўтиш баландлигини $1,6 \text{ m}$ гача камайтиришга йўл қўйилади.

80. Йирик панелли биноларнинг ертўла ва техник ертўласидаги кўндаланг деворларда баландлиги $1,6 \text{ m}$ бўлган туйнуклар лойиҳалашга йўл қўйилади, бунда остонанинг баландлиги $0,3 \text{ m}$ дан ошмаслиги лозим.

81. Вентиляцияси мавжуд бўлмаган ертўла ва техник ертўлаларнинг ташқи деворларида умумий юзаси пол юзасининг $1/400$ дан кам бўлмаган, бино периметри бўйича ташқи деворларда бир хил баландликда жойлашган ҳаво айланиши учун тешиклар қолдирилиши керак.

Битта тешикнинг юзаси $0,05 \text{ m}^2$ дан кам бўлмаслиги лозим.

82. Секцияли бўлмаган кўп квартирали уйларда техник, ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватлар ва чордоқлар 1-тур ёнғинга қарши пардеворлар билан, юзаси 500 m^2 дан ошмаган бўлмаларга, секцияли биноларда эса секцияларга ажратилиши керак.

83. Ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватларининг ҳар бир бўлма ёки секциясида ўлчамлари 0,9x1,2 m бўлган, камида иккита дераза (люк) бўлиши лозим.

84. Ҳар бир зинапоя катагидан чордоққа чиқиш жойи ҳамда унинг ҳар бир секциясидан томга чиқиш жойи бўлиши лозим.

85. Техник қават ва чордоқларда ёнғинга қарши пардеворлардаги эшиклар зич ёпиладиган ҳамда ёнмайдиган материалдан ишланган бўлиши керак.

86. Бинонинг ўрта қисмида жойлашган техник қават ва техник чордоқлардан ШНҚ 2.01.02-04га мувофиқ иккита чиқиш жойи лойиҳаланиши керак.

Мазкур қаватларга умумий зинапоя катаклари орқали киришга йўл қўйилади.

87. Оловбардошлик даражаси II бўлган 5 қаватли (5-қават ҳам киради) биноларнинг ҳамда оловбардошлик даражаси III ва IV бўлган биноларнинг ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватидаги хўжалик хонаси орасидаги пардеворларнинг оловбардошлик ва олов тарқалишининг нормаланмайдиган чегараларида лойиҳалаштиришга йўл қўйилади.

88. Ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватда техник йўлакни бошқа қолган хоналардан ажратиб турадиган пардеворлар I тур оловбардошлик даражасига эга бўлиши керак.

89. Ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватларидан чиқишни ШНҚ 2.01.02-04га мувофиқ лойиҳалаш керак.

Ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватлардан чиқишлар эвакуация учун мўлжалланган бўлганда, у бевосита ташқарига чиқиши керак.

Биринчи қаватдаги турар жой қисмини чиқиш жойидан 1-турдаги ёнғинга қарши пардевор билан ажратилиши, ташқарига алоҳида чиқиш йўлаги бўлганда эса турар жой қисмининг зинапоя катагидан чиқиш жойи бўлишига йўл қўйилади.

90. Ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватларда, ёнувчан газ ва суюқликлар (сув резервуарлари) ҳамда енгил алангаланувчи материаллар қўлланадиган ёки сақланадиган хоналарни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

91. Янги қуриладиган кўп квартирали уйларнинг ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватларида бинода яшайдиганлар учун хўжалик хоналари ушбу ШНҚ ҳамда ШНҚ 2.08.02-23га мувофиқ лойиҳалаштирилиши, бунда уйнинг муҳандислик коммуникацияларига хизмат кўрсатиш қулай бўлиши зарур.

92. Кўп квартирали уйнинг ёнғин хавфсизлиги ва санитария-гигиена ҳолатларининг (ифлослантириш, ҳидлар, шовкин) ёмонлашувига олиб келадиган хоналарни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Бунда, хоналарга турар жойга кирадиган томонидан кириш жойларни ташкил этишга йўл қўйилмайди.

Кириш ва чиқишлар ушбу ШНҚнинг 89-бандига мувофиқ бўлиши керак.

93. Янги қуриладиган биноларнинг ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватларида ушбу ШНҚ, ШНҚ 2.01.02-04га мувофиқ автотураргоҳларни лойиҳалашга йўл қўйилади.

94. Автотураргоҳлар жойлашган қават юқориги қаватдан 1-турдаги ёнғинга қарши ораёпма билан ажратилиши, бунда бинодаги яшаш хоналари ва ички қурилган болалар ва даволаш-соғломлаштириш хоналари автотураргоҳларнинг бевосита устида жойлашмаслиги керак.

95. Ички қурилган автотураргоҳларнинг баландлиги 2,7 m кам бўлмаслиги лозим.

96. Кўп квартирали уйларда квартираларнинг хоналаридан ички туташтириб қурилган хоналарга қаратилган деразалар бўлганда, ички туташтирилган қисм томи юқори жойлашган яшаш хоналарининг полидан юқори бўлмаслиги, томнинг асосий биносидан 3 m дан ортик масофага чиқарилишига йўл қўйилмайди.

97. Ички туташтирилган қисмнинг том конструкциялари мазкур ШНҚнинг 163-банди талабларига мувофиқ бўлиши керак.

5-боб. Ётоқхоналар

98. Ўқувчилар, талабалар, докторантларни вақтинча яшаши учун ётоқхоналар қуйидаги 2-жадвалдаги кўрсаткичларга мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

99. Яшаш хоналари ушбу ШНҚнинг 2-жадвалида келтирилган майдон кўрсаткичлари билан 3 кишигача яшаши ҳисобидан лойиҳаланиши лозим.

100. Хоналар биридан бирига ўтилмайдиган бўлиши ва эни 2,2 m дан кам бўлмаслиги керак.

101. Бир кишилик хонанинг юзаси 8 m² дан, Ia ва Ig иқлимий қурилиш зоналарида — 9 m² дан кам бўлмаслиги зарур.

102. Битта болали ота-оналарнинг вақтинча яшаши учун мўлжалланган хонанинг юзаси 20 m² дан кам бўлмаслиги лозим.

103. Яшаш хоналарининг ёрдамчи хоналари (дахлиз, душли ҳожатхона, ошхона ёки тахмонсимон ошхона) яшаш гуруҳига жамланиши керак.

104. Санитария-гигиена жиҳозлари мазкур ШНҚнинг 248-бандини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши керак.

105. Уч ва ундан ортиқ кишига мўлжалланган яшаш гуруҳларида юз-қўл ювгичли ҳожатхона ва душ, 2 кишилик яшаш гуруҳларида бирлаштирилган санузел лойиҳаланиши лозим.

106. Қаватда умумий санузел бўлган ҳолда, аёллар санузелида биде, унитаз, қўл ювгич билан жиҳозланган бўлиши ҳамда юзаси 3 m² бўлган шахсий гигиена хонаси ажратилиши керак.

2-жадвал

Ётоқхоналар тури	Бинолар сиғими, ўрин	1 яшовчига яшаш майдони, m ² /киши	Сиғими, ўрин	
			хонада	яшаш гуруҳида*
I — профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари учун	100 — 600	6-7 (Ia ва Ig иқлим зоналарида — 8)	2-3	4 — 12 (20 гача мумкин)
IIa — олий таълим ташкилоти талабалари учун	100 — 1000	4,5 — 6 (Ia ва Ig иқлим зоналарида — 9)	2 — 6 (4 — 8)	4 — 8 (10 — 12 гача мумкин)
IIб — олий таълим ташкилоти докторантлари, ишчи ва хизматчилар учун	100 — 1000	7 — 8 (Ia ва Ig иқлим зоналарида — 9)	1-2 (3)	2 — 6 (8 — 10 гача мумкин)

* Яшаш гуруҳи — яшаш хоналари ва ёрдамчи хоналар (дахлиз, ҳожатхона, ошхоналар)ни ўз ичига олади.

Изоҳ. Ётоқхоналар ва яшаш гуруҳлари сиғими лойиҳалаш топшириғида маҳаллий шароитларга кўра белгиланади.

Оқова сувларни оқизиш тизими бўлмаган ҳудудларда ётоқхоналар сиғими 50 ўридан ошмаслиги керак.

107. Барча турдаги ётоқхоналарнинг биринчи қаватида лойиҳалаш топшириғи бўйича ўриндиқли аравачалардаги ногиронлиги бўлган шахслар учун яшаш гуруҳлари ажратилиши лозим.

Ўриндиқли аравачадаги ногиронлиги бўлган шахс учун яшаш хонаси 14 m² дан, 2 кишига — 18 m² дан кам бўлмаслиги керак.

108. Барча турдаги ётоқхоналарнинг (I тури бундан мустасно) яшаш гуруҳларида майдони камида 5 m², яшовчилар сони 7 ва ундан ортиқ бўлса — 1 кишига 0,9 m² ҳисобидан ошхона ва тахмонсимон ошхоналар лойиҳаланиши лозим.

Яшовчилар сони 25 тагача бўлганда умумий ошхона бўлишига йўл қўйилади.

109. Ўқув биносининг ошхонасида овқатланиш ташкил қилинган профессионал таълим ташкилотлари талабаларига мўлжалланган ётоқхоналарда ошхона ўрнига яшаш гуруҳига 5 m² юзага эга бўлган тахмонсимон ошхона лойиҳаланиши керак.

110. Профессional таълим ташкилотлари талабалари учун I-тур ётоқхоналарда 50 кишилик яшаш гуруҳларининг хоналарни қуйидаги таркибда лойиҳалаш лозим:

тарбиячи хонаси — 8 m²;

дам олиш хонаси — 30 m²;

ўқув машғулоти хонаси — 30 м²;

кийим ювиш, қуритиш ва дазмоллаш хонаси — 8 м²;

тахмонсимон ошхона — 5 м².

Хоналарнинг жами майдони 1 кишига 1,6 м² ҳисобидан қабул қилиниши керак.

Лойиҳалаш топшириғи бўйича иш кийими ва пойабзалини сақлаш учун қўшимча 8 — 10 м² майдонга эга хона лойиҳаланишига йўл қўйилади.

Ҳар бир яшаш гуруҳи учун иккита эвакуация чиқиши кўзда тутилиши керак. Санитария узеллари ва душ хоналарини биринчи қаватда жойлаштириш лозим.

111. Ёлғиз кишилар учун ётоқхоналарда ёзги хоналар ҳар бир қаватда (тахминан 1 яшовчига 1 м² ҳисобидан) жойлаштирилиши керак.

112. Кичик оилалар учун ётоқхоналарда ёзги хоналар яшаш гуруҳлари таркибида 1 яшовчига 2 м² ҳисобидан, бироқ 5 м² дан кам бўлмаган ҳолда лойиҳаланиши керак.

113. Жамоат, дам олиш хоналари, ўқув машғулоти ва оммавий тадбирлар учун тиббиёт пункти, изоляторлар бинонинг ер устки қаватларида жойлашиши керак.

Ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватларда ШНҚ 2.08.02-23 га мувофиқ кир сақлаш, спорт анжомлари, омборлар, таъмирлаш устахоналари, хўжалик ва техник ҳамда жамоат хоналарини жойлаштиришга йўл қўйилади.

114. Ётоқхоналардаги маданий-маиший, хўжалик ва ёрдамчи хоналар таркиби ва майдонлари ушбу ШНҚнинг 3-жадвали бўйича солиштирма ҳисобий кўрсаткичларни (1 кишига м²) ва 2-иловасидаги кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш топшириғига қўра белгиланишига йўл қўйилади.

3-жадвал

Турар жой тури	Майдон, 1 кишига м ² ,				
	50	100	200	300 — 500	600 — 800
Ётоқхона:					
ўқувчилар учун	2,6	2,5	2,5	2,5	2,5
талабалар учун	2,5	2,4	2,4	2,4	2,4
аспирантлар учун	2,6	2,5	2,5	2,5	2,3
ишчи ва хизматчилар	2,3	2,2	2,2	2,0	1,8
кичик оилалар ётоқхонаси	1,5	1,3	1,2	1,1	-

Изоҳлар:

1. Олий таълим ва профессионал таълим ташкилотлари ётоқхоналарининг жамоат хоналари майдонининг таркибида яшаш гуруҳининг жамоат хоналари ва бутун бинодаги жамоат хоналарининг майдони ҳисобга олинган.

2. Болали оилалар вақтинча яшайдиган ётоқхоналарда ва вестибюлда аравачаларни сақлаш ва болаларни қисқа муддат бўлишлари учун хона (санитария хоналари билан камида 15 м²) лойиҳалашга йўл қўйилади.

6-боб. Қария ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларига қўйиладиган талаблар

115. Интернат уйларнинг сиғимини лойиҳалаш топшириғи бўйича аниқлашга йўл қўйилади.

116. Янги қуриладиган интернат уйларнинг яшаш ва жамоат хоналарининг полдан шифтгача бўлган минимал баландлиги 2,7 м дан, асосий йўлакларнинг баландлиги 2,6 м дан кам бўлмаслиги лозим.

117. Икки ва ундан ортиқ қаватли интернат уйларда ГОСТ 5746-2015га мувофиқ лифтлар лойиҳаланиши лозим.

118. Интернат уйлардаги ҳар хил мақсадлар учун мўлжалланган хоналарнинг табиий ва сунъий ёритиш талаблари ҚМҚ 2.01.05-19га мувофиқ бўлиши керак.

119. Интернат уйларнинг сиғими, хоналар майдони тахминан 50 дан 200 — 300 ўринли (ижтимоий-иқтисодий асослаш бўйича) қилиб белгиланганга йўл қўйилади.

120. Яшаш хоналарини 1 ва 2 ўринли қилиб лойиҳалаш лозим, бунда:

бир ўринли — 10 m², ўриндикли аравачадаги ногиронлиги бўлган шахс учун — 14 m²;
икки ўринли — 16 m², ўриндикли аравачадаги ногиронлиги бўлган шахс учун — 18 m².

121. Яшаш хоналари яшаш гуруҳларига (дахлиз ва санузеллари билан) бирлаштирилади. Яшаш гуруҳининг сифими 2 — 4 ўрин ҳисобидан қабул қилиниши лозим.

122. Доимий парваришга муҳтож шахсларнинг яшаш хоналарини даволаш муассасалари касалхона ва стационарларлар палаталарининг нормалари бўйича лойиҳалаш лозим.

123. Яшаш гуруҳлари таркибида душ ва санузел, 10 — 15 яшовчига мўлжалланган яшаш гуруҳига умумий душ ва ванна хоналари ажратилишига йўл қўйилади.

124. Интернат уйларида қуйидаги хоналар лойиҳаланиши керак:

яшаш гуруҳи ёки бўлимларининг умумий майший хоналари;

бутун бино ҳисобидан хизмат кўрсатиш хоналари, ошхона (овқатланиш блоки билан), маданий-майший, тиббий, хизматчилар учун хоналар, хўжалик ва меҳнат билан даволаш хоналари.

125. Жамоат хоналари майдонлари лойиҳалаш топшириғи бўйича 1 яшовчига 9-10 m² ҳисобидан ушбу ШНҚнинг 3-иловасини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши керак.

126. Боши берк йўлакка чиқувчи хоналарнинг умумий сифими 30 кишидан ошмаслиги керак.

127. Интернат уйларнинг ҳажмий-тарҳий ечимларини ШНҚ 2.01.02-04 бўйича эвакуация йўлларида бўлган талабларни ҳамда қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш лозим:

эвакуация йўлларида айланадиган эшиклар ва турникетлар, айланма (винтовая) зинапоялар бўлмаслиги;

эвакуация йўлларидаги эшиклар остонасиз бўлиши ҳамда полларида баланд-пастликлар бўлмаслиги;

остоналар бўлиши зарур бўлган ҳолда уларнинг баландлиги ва сатҳлар фарқи 0,014 m дан ошмаслиги;

зинапоялар ва пандусларнинг икки томони бўйлаб, шунингдек сатҳларда фарқ бўлган жойларда ШНҚ 2.07.02-22 бўйича тутқичли тўсиқлар ўрнатилиши.

7-боб. Қариялар ва ўриндикли аравачада ҳаракатланадиган ногиронлиги бўлган шахслар мавжуд оилалар учун ихтисослаштирилган квартираларга қўйиладиган талаблар

128. Ихтисослаштирилган квартиралар тури, хоналар майдони ва таркиби лойиҳалаш топшириғи асосида белгиланишига йўл қўйилади.

Ушбу квартиралар хоналарининг тахминий таркиби ва майдони мазкур ШНҚнинг 4-иловасида келтирилган.

129. Кириш майдончалари тепасига соябон ўрнатилиши ҳамда ёмғир-қор сувлари кетадиган бўлиши керак.

Агар кириш эшиги ташқарига очиладиган бўлса, майдончанинг ўлчамлари камида — 1,4×2,0 m ёки 1,5×1,85 m, пандусли майдончанинг ўлчамлари эса камида 2,2×2,2 m бўлиши керак.

130. Ихтисослаштирилган квартиралардаги умумий хоналарнинг майдони қуйидагилардан кам бўлмаслиги лозим:

бир хонали квартирада — 16 m² дан ;

икки хонали квартирада — 16 m² дан;

ўриндикли аравачада ҳаракатланадиган ногиронлиги бўлган шахс яшайдиган квартирада 18 m² дан.

131. Квартиралардаги ётоқхоналар майдони қуйидаги кўрсаткичлардан кам бўлмаслиги лозим:

битта қарияга — 10 m² дан;

битта ногиронлиги бўлган шахс учун — 14 m² дан;

икки қария эр-хотинга — 16 м² дан;

ўриндиқли аравачада ҳаракатланадиган ногиронлиги бўлган эр-хотинга — 18 м² дан.

132. Ошхона майдони 8 м² дан, эни 1,8 м дан кам бўлмаслиги, ихтисослаштирилган квартира ошхонасининг эни 2,2 м дан кам бўлмаслиги, ошхона юзаси ўртасида аравача манёври учун 1,4x1,4 м жой (зона) ажратилиши лозим.

133. Квартираларда хоналарнинг эни куйидаги кўрсаткичлардан кам бўлмаслиги керак:

дахлиз — 1,8 м дан;

ички йўлаклар — 1,35 м дан;

эшикларнинг эни — 0,9 м дан;

ёзги хоналар — 1,6 м дан.

Ёзги хоналарнинг юзаси 8 м² дан кам бўлмаслиги лозим.

Ихтисослаштирилган квартиралар дахлизда ўриндиқли аравача сақланадиган жой 0,9x1,5 м бўлиши керак.

134. Квартираларнинг санитария-техник жиҳозлари ушбу ШНҚнинг 248-бандига мувофиқ ўрнатилиши лозим.

135. Ногиронлиги бўлган шахснинг ётоқхонасидаги санузел ўлчамлари камида 2,2x2,2 м лойиҳаланиши ҳамда улар учун махсус мўлжалланган жиҳозлар ўрнатилиши лозим.

Санузелга кириш ётоқхона ва ички йўлакдан (ёки дахлиздан) лойиҳаланиши керак.

136. Ихтисослаштирилган квартиралар уйларда жамоат хизмат кўрсатиш хоналари лойиҳалаш топшириғи бўйича 1 яшовчига 1,5-2,5 м² ҳисобидан қабул қилинади.

Хизмат кўрсатиш хоналарининг тахминий таркиби ушбу ШНҚнинг 5-иловасида келтирилган.

137. Ихтисослаштирилган квартиралар уйларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг уйда ёки жамоат бўлиб ишлаши учун устахоналар лойиҳалаш топшириғи бўйича лойиҳаланишига йўл қўйилади.

8-боб. Биноларнинг ишончлилиги ва барқарорлигини таъминлаш

1-§. Конструктив ечимларга қўйиладиган талаблар

138. Турар жой объектларининг асослари ва юк кўтарувчи конструкциялари ГОСТ 27751-2014, ШНҚ 2.03.07-24, ШНҚ 2.03.01-24 ва ШНҚ 2.03.05-23 га, томлари ШНҚ 2.03.10-19га, поллар 2.03.13-24 га мувофиқ лойиҳаланиши керак.

139. Бинонинг асослари ҳамда юк кўтарувчи конструкцияларини лойиҳалаштиришда улардан фойдаланиш даврида куйидаги ҳолатлар келиб чиқмаслигини таъминлаш лозим:

бинодан фойдаланишни тўхтатишга сабаб бўладиган конструкцияларнинг бузилиши ёки шикастланиши;

деформациялар ёки ёриқлар пайдо бўлиши туфайли конструкциялар ёки биноларнинг фойдаланиш хусусиятларининг ёмонлашиши.

140. Турар жой объектларининг конструкциялари ва асослари куйидаги юклар таъсирига ҳисобланган бўлиши керак:

юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкцияларнинг ўз оғирлигидан тушадиган доимий кучларга;

ёпмаларга тушадиган вақтинчалик тенг тақсимланган юкларга;

қурилиш ҳудуди учун қисқа муддатли қор, шамол ва ҳарорат юкларига.

141. Конструкцияларнинг юк кўтариш қобилиятини ва рухсат этилган деформацияланишини ҳисоблаш усуллари ҚМҚ 2.01.07-96, ШНҚ 2.02.01-19 ва ШНҚ 2.03.01-24 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

142. Мураккаб геологик шароитларда қўшимча равишда, сейсмик ҳудудлар учун ҚМҚ 2.01.03-19, ишлов берилган ва чўкувчан грунтлар учун эса ШНҚ 2.01.09-19 талабларини ҳисобга олиш зарур.

143. Чўкувчан грунтли ҳудудларда жойлашган турар жой объектларида авария ҳолатларида асосий магистрал трассалардан бинога кирувчи совуқ ва иссиқ сув

кувурўтказгичларидан оқиб чиққан сувлар бино пойдеворига сизиб кирмаслигини таъминловчи конструктив чора-тадбирлар кўрилиши лозим.

144. Турар жой объектларида авария ҳолатлари юзага келганда бинонинг қурилиш конструкциялари ГОСТ 27751-2014 талабларига мувофиқ ишончлилик ва чидамлилик бўйича кўрсаткичларни сақлаб қолиши керак.

145. Бинонинг кириш жойидаги хона полининг сатҳи кириш олдидаги тротуар сатҳидан камида 0,15 m баланд бўлиши, бунда бинога поғонасиз текис кириш таъминланиши керак.

146. Реконструкция пайтида барча конструкцияларни ҳисоблаш ва грунтларнинг ҳақиқий юк кўтариш қобилиятини текшириш барча турдаги юклар учун (қўшимча юкларни ҳисобга олган ҳолда) амалга оширилиши лозим.

Бунда, асос грунтлардан фойдаланиш даврида ўзгариши натижасидаги ҳақиқий юк кўтариш қобилиятини, шунингдек вақт ўтиши билан бетон ва темир-бетон конструкцияларда бетоннинг мустаҳкамлигини ошишини ҳисобга олиш керак.

147. Турар жой объектларининг томларидан оқизиладиган сувларни бино ётқизмасига тушмаслигини таъминловчи чоралар кўрилиши лозим.

2-§. Ёнгин хавфсизлиги

148. Турар жой объектларини лойиҳалашда ушбу ШНҚ ва ШНҚ 2.01.02-04 талабларини, шунингдек функционал ёнгин хавфи бўйича биноларнинг қуйидаги таснифларини ҳисобга олиш керак:

Ф1.1 — ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлар;

Ф1.2 — ётоқхоналар;

Ф1.3 — кўп квартирали уйлар, шунингдек қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган кўп квартирали уйлар;

Ф1.4 — бир квартирали уйлар.

149. Кўп квартирали уйларнинг йўл қўйиладиган баландлиги ҳамда ёнгин хавфсизлиги деворлари орасидаги ёнгин бўлинмаси чегарасида жойлашган қават майдонининг юзаси оловбардошлик даражаси ва конструктив ёнгин хавфига боғлиқ ҳолда мазкур ШНҚнинг 4-жадвалига мувофиқ қабул қилиниши керак.

150. Турар жой объектларига ёнгин-қутқарув техникаларининг ўтиш йўллари ШНҚ 2.07.01-23га мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

151. Қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслар мавжуд бўлган оилалар учун ихтисослаштирилган кўп квартирали ҳамда интернат уйларининг оловбардошлик даражаси II дан паст бўлмаслиги керак.

152. Ётоқхона биноларида ёнгинга қарши деворлар оралиғидаги қаватнинг юзаси ва бинонинг энг юқори баландлиги, оловбардошлик даражаси ва конструктив ёнгин хавфлилиги синфига кўра секция туридаги уйлардаги ётоқхоналар учун ушбу ШНҚнинг 4-жадвали бўйича, йўлакчи турдаги ётоқхона бинолари учун эса 5-жадвал бўйича қабул қилиниши лозим.

153. IV ва V оловбардошлик даражасига эга ётоқхона биноларининг ёнгин бўлинмаларини 2-турдаги ёнгинга қарши девор билан ажратишга иккитадан ортиқ ёнгин бўлинмалари тўсиб қўйилган ҳолда йўл қўйилади.

4-жадвал

Бинонинг ўтга чидамлилик даражаси	Бинонинг конструктив ёнгин хавфлилик синфи	Бинонинг йўл қўйилган энг катта баландлиги, m	Қаватнинг ёнгин бўлмаси (оцеки)нинг йўл қўйилган энг катта юзаси, m ²
I, II	CO	50	2500
II	CI	28	2200
III	CO	22	1800
	CI	16	1600

IV	CO	5	1000
		3	1400
	C1	5	800
		3	1200
	C2	5	500
		3	900
V	нормаланмайди	5	500
		3	800

Изоҳлар:

1. Бинога бириктириб қурилган иситилмайдиган қисмининг оловга бардошлилик даражаси, бинонинг иситиладиган қисмининг оловбардошлик даражаси бўйича қабул қилиниши лозим.

2. Шамолнинг ойлик ўртача тезлиги 4 m/s ва ундан юқори ҳудудларда, жадвал кўрсаткичлари 0,7 коэффициент билан қабул қилинади.

5-жадвал

Бинонинг ўтга чидамлилик даражаси	Бинонинг конструктив ёнғин хавфлилик синфи	Бинонинг йўл қўйилган энг катта баландлиги, m	Қаватнинг йўл қўйилган энг катта юзаси, m ²
I, II	CO	28	2500
	C1	16	1000
III	CO	15	1000
	C1	9	1200
IV, V	нормаланмайди	3	400

154. Оловбардошлик даражаси I, II ва III бўлган галерея туридаги биноларнинг галереялари (узун айвон, йўлак) конструкцияларининг R белгиси бўйича оловбардошлик чегараси бинонинг қават ёпмалари учун қабул қилинган қийматларга мос бўлиши ва ёнғин хавфи синфи КО бўлиши керак.

155. IV оловбардошлик даражасидаги биноларда галереялар конструкциялари камида R 15 оловбардошлик чегарасига ва КО ёнғин хавфи синфига эга бўлиши керак.

156. Оловбардошлик даражаси IV бўлган икки қаватли бинолар юк кўтарувчи элементлари камида R 30 оловбардошлик чегарасида бўлиши лозим.

157. Зич жойлашган кам қаватли қурилишларда (1, 2 қаватли уйлар) яшаш блоклари оралиғи ШНҚ 2.07.01-23 бўйича қабул қилиниши, бунда ёнғинга қарши деворлар оралиғидаги юза 600 m² дан ошмаслиги керак.

6-жадвал

Тўсиқ конструкцияси	Бино учун конструкцияларнинг минимал оловбардошлик чегаралари ва рухсат этилган ёнғин хавфсизлик синфи		
	I-III, C0 ва C1	IV, IIIa, C0 ва C1	IV, IVa, IIIб C2, C3
Секциялар ўртасидаги девор	REI 45, K0	REI 45, K0	REI 45, K1
Секциялар ўртасидаги пардевор	EI 45, K0	EI 45, K0	EI 30, K1
Квартиралар ўртасидаги девор	REI 30, K0*	REI 15, K0*	REI 15, K1
Квартиралар ўртасидаги пардевор	EI 30, K0*	EI 15, K0*	EI 15, K1
Квартирадан ташқаридаги йўлакларни бошқа хоналардан ажратувчи девор	REI 45, K0*	REI 15, K0*	REI 15, K1**
Квартирадан ташқаридаги йўлакларни бошқа хоналардан ажратувчи пардевор	EI 45, K0*	EI 15, K0*	EI 15, K1**

* C1 синфи бинолар учун — K1; ** C2 синфи бинолар учун — K2.

158. Оловбардошлик даражаси I, II ва III бўлган бинолар устига ушбу ШНҚнинг 4-жадвалида белгиланган бинонинг баландлигидан қатъи назар, R 45 дан кам бўлмаган

оловбардошлик чегарасига ва КО ёнгин хавфи синфига эга юк кўтарувчи элементлари бўлган битта мансарда қаватини қуришга йўл қўйилади.

Ушбу қаватнинг ташқи деворлари, устига қурилаётган қуйи қават конструкцияларига қўйиладиган талабларга мос келиши лозим.

159. Биноларда 150 m оралиқда транспорт ўтадиган эни 3,5 m дан, баландлиги 4,25 m дан кам бўлмаган йўлаклар лойиҳаланиши, зинапоя катакларидида ўтиш йўлаклари ҳар 100 m масофада жойлашган бўлиши керак.

160. Бинонинг икки қарама-қарши фасад томонида ёнгин ўчириш гидрантлари ўрнатилганда, зинапоя катакларидида ўтиш йўлакларини жойлаштирмаслик мумкин.

161. Уч ва ундан ортиқ қаватли биноларда лоджия ва балконларни тўсиш (ойнаванд конструкциялар бундан мустасно) ёнмайдиган материаллардан лойиҳаланиши керак.

162. Беш ва ундан ортиқ қаватли, оловбардошлик даражаси I, II ва III бўлган биноларда ташқи қуёшдан ҳимоялаш қурилмалари ёнмайдиган материаллардан лойиҳаланиши, бунда ушбу қурилмаларнинг элементлари ўт ўчирувчилар ва қутқарувчиларни квартирага кириши ва ундан яшовчиларни эвакуация қилиш имкониятини таъминлаши керак.

163. Бинонинг ичига туташтириб қурилган қисми томининг юк кўтарувчи конструкцияларининг оловбардошлик чегараси R 45 дан кам бўлмаслиги ва ёнгин хавфи синфи КО бўлиши керак.

Кўп квартирали уйларда бинонинг ичига туташтирилган қисмига қаратилган деразалар бўлганда, туташган жойда том сатҳи, асосий бинонинг юқори қаватларидида жойлашган яшаш хоналари поли сатҳидан баланд бўлмаслиги, том ёпмасининг иссиқлик изоляцияси ёнмайдиган материалдан бўлиши керак.

164. Чордоқли биноларда (оловбардошлик даражаси V бўлган ўтга чидамли бинолар бундан мустасно) том қопламасини кўтарувчи конструкциялар ёнувчи материаллардан бўлганда, том қоплама ёнмайдиган материалдан бўлиши ҳамда том қопламасини кўтарувчи конструкцияларга ёниш хусусиятини пасайтирувчи суюқлик билан ишлов берилиши керак.

165. Жамоат хоналари яшаш қисмининг хоналаридан бўшлиқларсиз 1-тур пардевор ва 3-турдаги ора ёпмаси билан, оловбардошлик даражаси I бўлган биноларда 2-турдаги ора ёпма билан ажратилиши керак.

166. Бинонинг стилобат қисмини унинг баланд қисмидан ёнгинга қарши деворлар ва ораёпмалар билан ажратиш лозим.

Бинонинг стилобат қисмидаги ёнгиндан ҳимоя бўлмаси чегарасидидаги қаватнинг рухсат этилган энг катта майдони, 3000 m² дан катта бўлмаслиги керак.

Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

оқимли вентиляция ва тутунни йўқотиш ускуналари лойиҳаланганда 10 000 m² гача бўлганда;

автоматик ёнгин ўчириш тизими 5000 m² гача бўлганда.

3-§. Эвакуация йўллари

167. Қаватлардан чиқиш жойлари сони ва зинапоя катаклари ёнгин хавфи бўйича биноларнинг турларини ҳисобга олган ҳолда ШНҚ 2.01.02-04 га мувофиқ қабул қилиниши лозим.

168. Баландлиги 28 m гача кўп квартирали уйларнинг ҳар қаватда ташқи деворда деразаси Л1 турдаги оддий зинапоя катаклари лойиҳаланиши керак.

169. Л2 турдаги зинапоя катакларини 3 қаватдан кўп бўлмаган, I ва II оловбардошлик даражасига эга секция туридаги кўп квартирали уйларда қўллашга йўл қўйилади.

170. Л2 турдаги зинапоя катакларини ёритиш учун томдаги юзаси 4 m² дан кам бўлмаган ёруғлик туйнуклари лойиҳаланиши, бунда иккинчи ва учинчи қаватдаги ҳар бир квартираларда балкон ёки лоджия, шунингдек зинапоя маршларининг орасида 0,7 m дан кам бўлмаган очиқ жой ёки зинапоя катагининг баландлиги бўйича горизонтал кесим юзаси 2 m² дан кам бўлмаган ёруғлик шахтаси бўлиши керак.

171. Л2 турдаги зинапоя катакларидан бинонинг ёндош ҳудудига (ташқарига) бевосита чиқиш лойиҳаланиши ёки ёндош йўлакларидан эшикли пардеворлар билан ажратилган вестибюллар орқали чиқиш жойи бўлиши керак.

172. Квартиралар ва ётоқхона эшикларидан зинапоя катагига ёки ташқарига чиқиш жойигача бўлган энг узок масофа қуйидаги 7-жадвал бўйича қабул қилиниши керак.

7-жадвал

Оловбардошлик даражаси	Бинонинг конструктив ёнгин хавфлилик синфи	Квартира ёки ётоқхона эшигидан чиқишгача бўлган энг олис масофа, m	
		Зинапоя бўлмалари ёки ташқи киришлар оралиғида жойлашганда	Боши берк йўлак ёки галереяга чиқишда
I, II	CO	40	25
II	C1	30	20
III	CO	30	20
	C1	25	15
IV	CO	25	15
	C1, C2	20	10
V	нормаланмайди	20	10

173. Кўп квартирали уйнинг секциясида квартирадан деразасиз йўлакка (холл) чиқишда, энг узок жойлашган квартира эшигидан бевосита зинапоя катагига ёки тутун қопламайдиган зинапоя катагининг ҳаво бўшлиғи зонасига олиб борувчи тамбургача бўлган масофа 12 m дан ошмаслиги керак.

174. Йўлакда (холда) дераза ёки тутун йўқотиш клапанлари бўлса, бу масофа ушбу ШНҚнинг 8-жадвали бўйича, боши берк йўлак учун каби қабул қилишга йўл қўйилади.

175. 28 m ва ундан юқори бўлган биноларда энг олис квартиранинг эшигидан энг яқин эвакуация чиқиш жойигача бўлган масофа 12 m дан ошмаслиги лозим.

176. Йўлакларнинг эни қуйидагилардан кам бўлмаслиги керак:
зинапоялар оралиғи ёки йўлак охири билан зинапоя оралиғи 40 m гача бўлганда — 1,4 m;

40 m дан узун бўлганда — 1,6 m;

галереянинг эни — 1,2 m.

177. Йўлакларни бир-биридан ва йўлак охиридан 30 m гача масофада жойлашган, оловбардошлиги EI 30 бўлган автоматик ёпиш ускуна билан жиҳозланган эшик ўрнатилган пардевор ёрдамида ажратиш керак.

178. Поғоналар баландлиги ва кенглиги ҳар хил бўлган зиналарни қўллашга йўл қўйилмайди. Битта зинапоя маршида ёки сатҳлар фарқида поғоналар сони 3 тадан кам, 18 тадан кўп бўлмаслиги лозим.

179. Зинапоя маршлари ва унинг майдончаларида баландликлар фарқи 45 см дан ортиқ бўлганда дастали тўсиқлар, ихтисослашган квартирали уйларда, интернат уйларда деворга ёпишган қўшимча туткичлар бўлиши керак.

Зинапоя маршларининг максимал қиялиги ва минимал кенглиги қуйидаги 8-жадвалга мувофиқ қабул қилиниши керак.

Зинапоя маршлари ишлатиладиган жойлар	Энг кичик кенглиги, m	Энг катта қиялиги
Биоларнинг яшаш қаватларига олиб борадиган зинапоялар:		
секцияли:		
икки қаватли	1,05	1:1,5
уч ва ундан кўп қаватли	1,05	1:1,75
йўлакчи	1,2	1:1,75
Ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватларига олиб борувчи ҳамда квартира ичидаги зинапоялар (маршлар)	0,9	1:1,25

Изоҳлар:

1. Зинапоя маршининг эни, тўсиқлар орасидаги ёки девор ва тўсиқ орасидаги масофа билан белгиланади.

2. Квартира ичидаги зинапояларни ёғочдан тайёрлаш мумкин. Зинапоялар айланма ёки ўртасидаги кенглиги 18 см дан кам бўлмаган қочирин поғонали бўлиши мумкин.

3. Зинапоя майдончасининг кенглиги зинапоя (марш) кенглигидан кам бўлмаслиги, табақалари ташқарига очиладиган лифтлар олдида эса 1,6 м дан кам бўлмаслиги керак.

4. Зинапояларнинг тўғри маршларидаги оралик майдончаларнинг кенглиги 1 м дан кам бўлмаслиги керак.

5. Зинапоя катагига чиқадиган эшиклар очилган ҳолатида зинапоя майдончаси ва маршларининг ҳисобий кенглигини камайтирмаслиги керак.

180. Зинапоя, пандус, майдонча, терраса, балкон, лоджия, том ҳамда сатҳларида фарқ бўлган (баланд-паст) жойларда тўсиқлар баландлиги 1,2 м дан кам бўлмаслиги керак.

181. Ихтисослаштирилган квартиралари мавжуд уйларда бинога кириш жойида, вестибюлда, лифт яқинида, йўлакларда зина поғоналари ва остоналар бўлмаслиги керак. Бундай биоларда эни 1,2 м дан кам бўлмаган, қиялиги 1:20 дан кўп бўлмаган пандуслар бўлиши лозим.

Квартирадан ташқаридаги йўлакларнинг кенглиги 1,8 м дан, эшикларнинг эни 0,9 м дан кам бўлмаслиги керак.

182. Мавжуд биоларни реконструкция қилишда пандуснинг энини 1,2 м ўлчамда таъминлаш имкони бўлмаган ҳолда унинг энини 0,9 м гача камайтиришга йўл қўйилади. Икки маршли пандусда битта маршнинг қиялиги 1:12 дан ошмаслиги лозим.

Қуйидаги ҳолларда пандуснинг қиялиги 1:8 гача бўлишига йўл қўйилади:

пандус мавжуд бинога қуриладиган бўлса;

пандуснинг баландлиги 1 м ёки ундан паст бўлиб, объектнинг конструктив хусусиятларига кўра 1:12 қияликни таъминлаш имкони бўлмаганда.

Бинога киришда пандусларни ўрнатиш имкони бўлмаганда, ўриндиқли аравадаги ногиронлиги бўлган шахслар учун кўтариш мосламалари лойиҳаланиши керак.

183. Баландлиги 28 м гача бўлган биоларда Л1 оддий зинапоя катакларидида кўшимча қават электр шитлари, иситиш жиҳозлари, почта қутиларини ўрнатишга йўл қўйилади, бунда зинапоялар ва майдончаларнинг белгиланган энини камайтиришга йўл қўйилмайди.

Электр шитлари, иситиш жиҳозлари, почта қутилари девор ўйиқларига ўрнатилиши лозим.

184. Оддий зинапоя катакларидида ҳажмида қоровулхонадан бошқа хоналар бўлмаслиги керак.

Биринчи, ертўла, ярим ертўла (цоколь) қават зинапоялари остида иситиш тармоғини бошқариш, сув ўлчаш, электр тоқини кириш-тақсимлаш қурилмаларини жойлаштиришга йўл қўйилади.

185. Зинапоя катакларидида ҳажмида (тутун қопламайдигани бундан мустасно) биринчи қаватдан пастга тушмайдиган, оловбардошлик чегараси нормаланган ёнмайдиган материалдан тайёрланган, тўсиқ конструкцияли лифт шахталарига эга бўлган иккитагача йўловчи лифтларини жойлаштиришга йўл қўйилади.

186. Йўлакчи ва галерея туридаги биноларда зина катаклари ва лифтга кириш (юклаш) майдончалари ҳар қандай хоналар ва ҳар бир қаватдаги йўлаклардан тавақаларида зичлагичли ёпғичлар билан жиҳозланган эшиклар билан ажратилиши керак.

Ойнаванд эшиклар зарбага чидамли ойналардан бўлиши лозим.

187. Баландлиги 15 м дан кам, Ia, Ib ва II иқлимий қурилиш зоналар учун лойиҳаланаётган турар жой объектларида зинапоя катаклари ўрнига оловбардошлик чегараси R 60 дан кам бўлмаган ёнмайдиган материаллардан бажарилган, ёгингарчиликлардан ҳимояланган ташқи очик зинапояларни қўллашга йўл қўйилади.

188. Майдони 500 м² гача бўлган секция туридаги кўп квартиралар уйларнинг секция қаватидан Л1 турдаги битта оддий зинапоя катагига эвакуация чиқишини кўзда тутишга йўл қўйилади.

15 м дан юқорида жойлашган ҳар бир квартирада балкон ёки лоджияга чиққан деразалар ораси камида 1,6 м ёки балкон (лоджия) четидан деразагача камида 1,2 м ли ёпиқ девори бўлган балкон ёки очик (ойналанмаган) лоджияга авария эвакуация чиқиши бўлиши керак.

Қаватда тўртта квартирадан ортиқ секцияларда уч ва ундан ортиқ хонали квартираларда эни 1,2 м дан кам бўлмаган балкон ёки лоджияга чиқадиган деразалар ораси 1,6 м дан кам бўлмаган ёпиқ деворли балкон ёки лоджия бўлиши лозим.

189. Икки қаватда (сатҳда) жойлашган квартиралардан, квартира хоналари 6 қаватдан юқори жойлашмаган ва зинапоя катагига бевосита чиқиши бўлмаган квартира қавати ушбу ШНҚнинг 188-бандига мувофиқ қўшимча чиқиш билан таъминланган бўлса, зинапоя катагига ҳар бир қаватдан чиқиш бўлмаслигига йўл қўйилади.

190. Қаватдаги квартираларнинг умумий майдони 500 м² дан ортиқ секцияларда эвакуация қилиш камида иккита оддий ёки тутун қопламайдиган зинапоя катагига чиқиш орқали амалга оширилиши керак.

Қаватдаги квартираларнинг умумий майдони 500 м² дан 550 м² гача бўлганда, квартиралар ошхона ва даҳлизларида манзилли ёнғиндан хабар берувчи ёнғин сигнализацияси тизими ўрнатилган бўлса ва ушбу ШНҚнинг 188-банди талаблари бажарилганда, квартирадан оддий зинапоя катагига чиқиш бўлишига йўл қўйилади.

191. Баландлиги 28 м гача, қаватдаги квартиралар умумий майдони 500 м² ва ундан кўп бўлган йўлакчи (галереяли) туридаги кўп квартиралар уйларда, умумий йўлакчи (галереялар) камида 2 та Л1 турдаги оддий зинапоя катагига чиқиш бўлиши керак.

Умумий майдони 500 м² дан кам бўлганда, битта оддий Л1 турдаги зинапоя катагига чиқишга йўл қўйилади. Бунда, йўлакчи (галерея) чеккаларидан 3-турдаги ташқи зинапояларга чиқиш бўлиши керак.

192. Оддий зинапоя катаги бинонинг охирида жойлашганда, ушбу ШНҚнинг талаблари бажарилганда, йўлакчи (галерея) қарама-қарши томонида (охирида) битта 3-тур зинапоя ўрнатишга йўл қўйилади.

193. Ташқаридан кириладиган ётоқхона биноларида узунлиги 1,2 м дан кам бўлмаган, интернат уйларида узунлиги 1,6 м, эни 2,2 м дан кам бўлмаган тамбурларни лойиҳалашга йўл қўйилади.

194. Қаватдаги квартиралар умумий майдони 500 м² гача, баландлиги 28 м дан юқори секцияли ёки секция-галереяли биноларда битта тутун қопламайдиган Н1 турдаги зинапоя катагига ёки у билан туташган очик йўлакларга чиқиш бўлиши, бунда 15 м дан юқори жойлашган барча квартиралар учун ушбу ШНҚнинг 198-банди талабларига мувофиқ, балкон ёки очик лоджияларга эвакуация чиқиш жойлар бўлиши керак.

195. Тутун қопламайдиган зинапоя катакларида биринчи қаватдан бевосита ташқарига чиқиш бўлиши керак.

Н1 туридаги тутун қопламайдиган зинапоя катагидан ташқарига чиқиш, ёндош (туташ) йўлакчи (галерея) 1-турдаги ёнғинга қарши пардеворлар билан ажратилган (тўсилган) вестибюль орқали бўлишига йўл қўйилади.

Бунда, зинапоя катагини вестибюль билан ўтилиши бошқа қаватлардаги каби ҳаво зонаси орқали бўлиши мумкин. Биринчи қаватдаги ҳаво зонаси туйнугини металл панжара билан тўсишга йўл қўйилади.

Н1 турдаги зина катагига лифтга кириш майдончаларидан ўтишга йўл қўйилади, бунда лифт шахталари ва ундаги эшик қурилмалари ШНҚ 2.01.02-04га мувофиқ лойиҳаланиши керак.

196. Қаватдаги квартиралар умумий майдони 500 м² дан ортиқ бўлган секция-галереяли турдаги биноларда эвакуация чиқиш йўли ШНҚ 2.01.02-04га асосан камида иккита тутун қопламайдиган зина катаги орқали бўлиши керак.

Қаватдаги квартираларнинг умумий майдони 500 м² дан 550 м² гача бўлганда, квартиралар автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси билан жиҳозланганда ҳамда ШНҚнинг 188 ва 194-бандлари талаблари бажарилганда эвакуация чиқиш учун битта тутун қопламайдиган Н1 турдаги зина катагини лойиҳалашга йўл қўйилади.

Биноларнинг баландлиги 50 м гача бўлган квартираларнинг умумий майдони 500 м² гача бўлган биноларда, лифтлардан бири ёнғин-қутқарув бўлинмалари ташишга мўлжалланганида эвакуацияни Н2 ёки Н3 зинакатаги орқали таъминланиши мумкин. Бунда Н2 зинапоясига чиқиш вестибюль (ёки лифт холи) орқали таъминланиши, зинапоянинг, лифт шахталарининг, тамбур-шлюз ва тамбурларнинг эшиклари 2-турдаги ёнғинга қарши бўлиши керак.

197. Биноларнинг баландлиги 50 м гача бўлган квартираларнинг умумий майдони 500 м² гача бўлган биноларда, лифтлардан бири ёнғин-қутқарув бўлинмалари ташишга мўлжалланганида эвакуацияни Н2 ёки Н3 зина катаги орқали таъминланиши мумкин.

Бунда, Н2 зинапоясига чиқиш вестибюль (ёки лифт холи) орқали таъминланиши, зинапоя, лифт шахталари ва тамбурларда 2-турдаги ёнғинга қарши эшиклар бўлиши керак.

198. Тутун қопламайдиган Н1 турдаги зинапоя катагига ўтиш жойининг тутун билан қопланмаслиги қуйидаги ҳажмий-тарҳий ва конструктив ечимлар билан таъминланиши лозим: ўтиш жойлари очик бўлиб, бинонинг ички бурчакларида жойлашмаслиги ва эни камида — 1,2 м,

тўсиқ баландлиги — 1,2 м;

ташқи ҳаво зонасидаги эшиклар орасидаги девор кенглиги камида 1,2 м;

зинапоя катаги эшиги билан энг яқин дераза орасидаги деворнинг кенглиги камида — 2 м.

199. Баландлиги 28 м гача газлаштирилган турар жой объектларининг ошхоналари ва квартира ички йўлаклари, баландлиги 28 м дан 50 м гача бўлган объектларда эса барча хоналар ёнғин сигнализациянинг хабарлагичлари билан жиҳозланиши лозим.

Баландлиги 50 м дан юқори бўлган турар жой объектлари ёнғин сигнализацияси билан бирга ёнғинни автоматик ўчириш қурилмаси билан жиҳозланиши лозим.

Бунда, қурилманинг спринкеллари квартиранинг кириш эшикларининг юқорисида ва квартира ташқарисидаги умумий йўлакларда ўрнатилади.

200. 28 м дан баланд биноларда ёнғин вақтида лифт шахтасининг юқори қисмига алоҳида канал орқали ташқи ҳаво беришни таъминлаш керак.

Бунда, лифт шахтасида ортиқча босим ШНҚ 2.04.05-22га асосан ҳисоб-китоб бўйича қабул қилиниши керак.

201. Ҳаво босими ва тутунни ҳайдаш вентиляцияси қурилмалари 1-турдаги ёнғинга қарши пардеворлар билан тўсилган алоҳида вентиляция камераларида жойлаштирилиши лозим.

Вентиляторларни квартиралар даҳлизлари, ётоқхона хоналари ва маданий-маиший хизмат хоналарида ўрнатилган ёнғин сигнализацияси хабар бергичларидан автомат тарзда ҳамда ҳар қаватдаги ўт ўчириш кран шкафларида ўрнатилган тугмачалардан масофадан улашни қўзда тутиш керак.

202. 28 м дан баланд бўлган биноларнинг юқори қаватидаги ойна тиркишининг пастига ШНҚ 2.01.02-04га мувофиқ қозонхоналарни туташтириб қуришга йўл қўйилмайди.

Тегишли ёнғин хавфсизлиги чоралари таъминланган ҳолда қозонхоналарни томга ўрнатилишига йўл қўйилади.

203. Йилига ўртача 20 ва ундан ортиқ соат давомида момақалдиروқли ёмғир ёғадиган жойларда 400 m радиусдаги қурилиш майдонларидан 25 m дан ортиқ кўтарилиб турган ҳамда бир-биридан 400 m дан узоқда алоҳида турган 30 m дан баланд бинолар бевосита яшин урилишидан ҳамда ерусти металл конструкциялар орқали юқори кучланишли тоқлардан ҳимоя билан жиҳозланиши керак.

4-§. Турар жой объектларидан фойдаланишдаги хавфсизлик талаблари

204. Кўп квартирали уйларнинг балкони, лоджия ҳамда хоналаридаги панорамали ойналар тўсиқларининг (панжара) баландлигини ГОСТ Р 56926-2016 бўйича бўлиши лозим.

205. Бинодаги дераза ойналарининг пастки қисми пол сатҳидан 0,9 m дан паст баландликда жойлашган бўлса, хавфсизликни таъминлаш чоралари ГОСТ Р 56926-2016га мувофиқ бўлиши керак.

206. Деразаларга алюмин профилли панжара ёки поликарбонатдан бўлган шаффоф панжаралар, қулф-калитли тутқичлар, дераза тоқчасига ўрнатиладиган тўхтатгичлар лойиҳаланиши керак.

207. Ихтисослаштирилган квартиралардаги кириш гуруҳи элементларининг тўсиқлари ногиронлиги бўлган шахслар учун ташқи зинапоялар, майдончалар ва пандусларда 0,9 ва 0,7 m, ички зинапоялар, майдончалар ва пандусларда 0,7 m баландликда кўшимча тутқичлар ўрнатилиши керак.

208. Яшаш хоналари ва ошхоналарда ўрнатилган панорамали ойналар бўлганда, кўшимча тўсиқларнинг (панжара) балкон ва лоджияларга бирикмаган жойлардаги баландлиги 1,2 m дан кам бўлмаслиги керак.

209. Панорамали ойналар лойиҳа ечимлари ГОСТ Р 56926-2016, ГОСТ 23166-2021 бўйича хавфсиз эксплуатация қилиш ва хавфсиз хизмат кўрсатишни таъминлаши лозим.

210. Зинапоя катакларининг майдончаларида сунъий ёриткичлар (чироқлар) ўрнатилган бўлиши керак.

Чироқлар зинапоя маршининг ўртаси ва майдончаларида 11 lx дан кам бўлмаган ёруғлик даражасини таъминлай олиши лозим.

Агар зина поғоналари 6 ва ундан ортиқ бўлса, ҳар бир қават майдончаси деворида чироқ ўчиргич ўрнатилиши керак.

Сунъий ёритиш масофадан, марказлашган ёки автоматик бошқариладиган бўлса, чироқ ўчиргич ўрнатиш талаб этилмайди.

211. Кўшимча ҳимоя тўсиқлари бўлмаган ҳолда ойналар учун қуйидаги ҳимоя синфлари ГОСТ 30826-2014 ва зарбга бардошлилик ГОСТ 31462-2011 бўйича белгиланиши зарур:

биринчи ва юқори қаватдаги хоналар учун — СМ4, Р2А, ПВ2 (агар ичкарига бузиб кириш хавфи бўлса);

бошқа қаватлардаги хоналар учун — СМ4.

212. Лойиҳа ечимиде панорамали ойнада кўшимча ҳимоя тўсиғи бўлмаса, унинг олдида ўриндиқли аравача, мебел ва жиҳозлар ҳаракатланишини чекловчи элементлар ўрнатилиши лозим.

Агар биринчи қаватлардаги ўрнатилган ойнанинг пастки қисми ер сатҳидан 0,15 m дан кам баландликда ва йўлкалар фасадга тақалган бўлса, ташқи томондан ҳам чекловчи элементлар ўрнатилиши керак.

213. Кўп квартирали уйларнинг конструктив ечимларида (тешикларнинг жойлашиши, қувурўтказгичларнинг конструкциялардан тешиб ўтказилган жойларини герметизация қилиш усуллари, вентиляция тўйнуқларини очиш ва иссиқлик изоляциясини ўрнатишда) кемирувчиларни ичкарига киришидан сақлаш чораларини кўриш керак.

214. Кўп квартирали уйларда ва унинг атрофидаги ҳудудда криминал ҳолатлар юзага келишини камайтиришга, бинода яшовчиларни ҳимоя қилишга қаратилган чоралар кўришга йўл қўйилади.

215. Кўп квартирали уйларнинг хавфсизлик тизими ички муҳандислик тизимларига ва ёнғин хавфсизлиги жиҳозларига ёнғингарчилик таъсиридан ҳимоя қилиш чоралари кўрилиши керак.

216. Техник ходимларни кўп квартирали уйларда алоҳида хонада жойлаштириш ва улар учун ҳожатхона кўзда тутилишига йўл қўйилади.

217. Турар жой объектларининг хоналари унга ёмғир, қор-муз ёки ерости сувлари ва фойдаланиш жараёнида фавқулодда вужудга келган сувларни киришидан конструктив воситалар (тадбирлар) ҳамда техник мосламалар билан ҳимояланиши керак.

218. Электр шчитлари, кабель телевидениесининг техник маркази, телефон симларини тақсимлаш шкафлари турадиган хоналарни (жой) сув ишлатиладиган хоналарнинг тагига жойлаштиришга йўл қўйилмайди (бирлаштирилган санузеллар, ванна (душ) хоналари, ҳожатхона).

219. Лифтларнинг хавфсизлиги улардан фойдаланиш даврининг барча босқичларида ГОСТ 33984.1-2016 ҳамда ГОСТ 34305-2017 талабларига жавоб бериши керак.

220. Кондиционерлаш тизимининг алоҳида ташқи блокларини ўрнатишда ГОСТ 34058-2021га амал қилиниши ва техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда уларни ўрнатиш жойлари таъминланиши керак.

221. Вентиляция тизимларидан чиқадиган ҳаво, йўловчилар юрадиган йўлқалар томонига қаратилмаслиги керак.

9-боб. Лифтлар

222. Юқори қават полининг сатҳи ер сатҳидан 3 m ва ундан кўп бўлган турар жой объектларида лифт қурилмаларини ўрнатиш лозим.

223. Лойиҳа топшириғига мувофиқ икки қаватли турар жой объектларига кўтариш платформалари ўрнатилишига йўл қўйилади.

224. Лифтлар кўп квартирали уй ёки ётоқхоналарга мазкур ШНҚнинг 6-иловасига мувофиқ ўрнатилиши керак.

225. Турар жой объектларида ўрнатиладиган лифтлар ГОСТ 5746-2015, ГОСТ 33984.1-2016 ва ГОСТ 28911-2015 да белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

226. Лифт шахталарини қуйидаги 9-жадвал бўйича лойиҳалаш лозим.

9-жадвал

Юк кўтариши, kg	Кабинанинг ўлчамлари, mm	Шахтанинг ўлчамлари, mm
450	950x1070	1700x1600
630	1100x1400	1850x1850
1000	1100x2100	2000x2600

227. Қариялар ва ўриндиқли аравачалардаги ногиронлиги бўлган шахслар мавжуд оилалари учун ихтисослаштирилган биноларда юк кўтариш қобилияти 630 kg бўлган лифтлар лойиҳаланиши керак.

228. Баландлиги 28 m дан юқори бўлган турар жой объектларида йўловчи лифтларининг бири ёнғин-қутқарув бўлимларини ташишга мўлжалланган бўлиши лозим.

229. Лифт майдончаларининг эни қуйидагича қабул қилиниши керак:

400 kg ли юк кўтарувчи лифт учун — 1,5 m;

630 kg ли лифт учун — 1,6 m;

1000 kg ли лифт учун — 2,1 m.

230. Лифт шахталари яшаш хоналари билан ёнма-ён жойлашишига йўл қўйилмайди.

231. Лифтларнинг машина хоналарини яшаш хоналарининг бевосита устида ва ёнида жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

232. Лифтдан фойдаланувчиларнинг хавфсизлигини, шунингдек авария ҳолатларида фойдаланувчилар ва қутқарув хизмати ўртасида доимий алоқани таъминлаш учун лифт шахталари алоқа воситалари (видео-тасвир узатиш қурилмалари, лифт ускуналарининг техник

ҳолатини мониторинг қилиш ва авария ҳолатларини реал вақт режимида қайд этувчи диспетчерлик блоки ва бошқалар) билан жиҳозланишига имконият яратилган бўлиши лозим.

233. Турар жой объектларида лифтлар ўрнатилишида ШНҚ 2.07.02-22да белгиланган талабларга риоя қилиш зарур.

234. Лифтнинг ён деворларида 900 ± 100 mm баландликда туткичлар ўрнатилган бўлиши керак.

235. Кўп квартирали уйларнинг чиқиш эшиклари лифт эшиги билан қарама-қарши (тўғридан-тўғри) ҳолатда жойлашмаслиги, шунингдек лифт эшиклари ва ён деворларнинг ранги бир-биридан ажралиб туриши лозим.

236. Лифтларни кўтариш механизмларидан чиқадиган шовқин эшитилмаслиги учун шахталар шовқин изоляцияси билан жиҳозланиши лозим.

237. Лифтнинг кабинаси, посангиси ва мувозанатловчи мосламалари битта шахта ичида жойлашган бўлиши керак.

238. Лифт шахтаси бинонинг бошқа қисмларидан оловбардошлиги камида икки соат бўлган девор билан ажратилган бўлиши лозим.

239. Лифт шахтаси қўзғалмас (стационар) электр ёриткич ўрнатилиши, бунда таъмирлаш ишлари давомида 1 m^2 учун камида 50 lx ёруғлик таъминланган бўлиши зарур.

Агар ташқи ёритиш шахта ичида 1 m^2 учун камида 50 lx ёруғликни таъминласа, ойнавандланган тўр билан ўралган ёки қисман ўралган лифт шахталари қўзғалмас (стационар) электр ёритиш ускуналари билан жиҳозланиши талаб этилмайди.

10-боб. Муҳандислик жиҳозлари

1-§. Асосий қондалар

240. Яшаш хоналарида микроклимнинг энг мувофиқ ва йўл қўйиладиган параметрлари (ўлчамлари) ва ҳаво алмашинуви миқдорини мазкур ШНҚнинг 10-жадвали бўйича қабул қилиш керак.

241. Йилнинг совуқ даврида турли хоналардаги ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳаво алмашинуви кўрсаткичлари ушбу ШНҚнинг 11-жадвали бўйича қабул қилиниши керак.

242. Муҳандислик таъминоти тизимини қуришда ишлатиладиган ускуна, буюм ва материаллар амалдаги стандарт талабларига жавоб бериши лозим.

10-жадвал

Параметрлар (ўлчамлар)	Йил даври	Ҳисобий харорат, °C	Нисбий намлик, %	Ҳаво харакати тезлиги, ≤ m/s	Ҳаво алмашинуви миқдори
Энг мувофиқ	Совуқ	21-22 (22-23)	30-60	0,15	1 m^2 пол юзасига 4 m^3/h
	Илиқ	26-27	30-45	0,2	-
Йўл қўйиладиган	Совуқ	20/21	65 гача	0,2	1 m^2 пол юзасига 3 m^3/h
	Илиқ	-	-	-	-

Изоҳлар:

1. Қавс ичидаги қийматлар ёлғиз қариялар ва ногиронлиги бўлган шахс мавжуд оилалар уйига тегишли.

2. Чизиқлар ушбу кўрсаткич меъёрланмаслигини билдиради.

3. Биттадан ортиқ ташқи деворли хоналар учун совуқ даврдаги ҳароратни $1 \text{ }^\circ\text{C}$ га юқори олиш керак.

243. Муҳандислик жиҳозлари тизимини ёнгин-портлаш хавфсизлигини, кўздан кечириб туриш, тозалаш ва таъмирлаш имконини таъминлаган ҳолда, ШНҚ 2.04.05-22, ШНҚ 2.04.08-22, ШНҚ 2.04.17-19, ШНҚ 2.04.20-22 ва ШНҚ 2.04.18-22ларга мувофиқ лойиҳалаш керак.

Тизим ишлашидан ҳосил бўлган шовқин турар жой бинолари учун йўл қўйилган даражадан ошмаслиги керак.

244. Қўшимча шовқин чиқарадиган ускуналар алоҳида мустақил таянч конструкцияларга ўрнатилиши керак.

245. Муҳандислик тизимининг электромеханик ва электрон ускуналари табиий ёритиладиган ва фавқулодда сув босмайдиган хоналарда жойлашиши керак.

Ушбу ускуналарни техник ертўлаларда жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

11-жадвал

Хоналар	Ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С	Ҳаво алмашинуви қарралиги	
		Ичкарига тортиш	Ташқарига тортиш
Квартира ёки ётоқхоналардаги яшаш хонаси	10-жадвалда келтирилган		
Ётоқхоналардаги жамоат ва маъмурият хоналари	20	-	1
Хонадан ва ётоқхоналар ошхонаси электр плитали	18	-	60 m ³ /h
Ваннахона	25	-	25 m ³ /h
Алоҳида ҳожатхона	8	-	25 m ³ /h
Бирлашган санузел	25	-	50 m ³ /h
Умумий душхона	25	-	5,0
Умумий ювиниш хонаси	18	-	0,5
Кийимни тозалаш ва дазмоллаш учун гардероб хонаси	18	-	1,5
Вестибюль, умумий йўлак, зина катаги	16	-	-
Кир ювиш хонаси	15	Ҳисоб бўйича, лекин қарралиги 4 дан кам эмас	7,0
Ётоқхоналарда дазмоллаш, қуритиш хонаси	15	Ҳисоб бўйича, лекин қарралиги 2 дан кам эмас	3,0
Ётоқхоналарда шахсий буюм, спорт инвентари, хўжаликдаги кирларни сақлаш хоналари	14	-	0,5
Ўтхона (котельная)	16	-	3,0
Лифтларнинг машина хонаси	10	-	Ҳисоб бўйича, бироқ 0,5 дан кам эмас

Изоҳ. 1а, 1б, 1в, ва II иқлимий зоналардаги биноларнинг зинапоя катаклариди ҳамда хусусий иситиш тизимига эга квартиралари уйларда ҳаво ҳарорати нормаланмайди.

246. Шовқин ва тебраниш манбалари бўлган, насосхоналар, венткамералар, иссиқлик пунктлари яшаш хоналари билан ёнма-ён, устида ёки остида жойлаштирилмаслиги керак.

247. Кўп квартиралари уйларда ички сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиш тизими бўлиши керак.

Ички оқовалаштириш тизими мавжуд бўлмаганда, бинога сув қувурларини олиб киришга йўл қўйилмайди, бунда ташқи сув колонкалари, ташқаридаги ҳожатхоналар бўлиши керак.

248. Кўп квартиралари уйларда қуйидаги санузеллар лойиҳаланиши лозим:

а) 5-6 хонали квартираларда:

ванна, юз-қўл ювгич ва унитазли;

душ, юз-қўл ювгич, ва унитазли;

б) 2 — 4 хонали квартираларда:

ванна, унитаз ва юз-қўл ювгичли;
унитаз ва юз-қўл ювгичли ҳожатхона;

в) бир хонали ва кичик ўлчамли икки хонали квартираларда:
бирлаштирилган санузел (унитаз, юз-қўл ювгич, ванна);

қариялар учун ихтисослаштирилган уйларда санитария жиҳозларига қўшимча равишда лойиҳалаш топшириғи бўйича оёқ ваннаси лойиҳаланишига йўл қўйилади.

249. Ўриндикли аравадаги ногиронлиги бўлган шахс мавжуд оилага мўлжалланган квартиралардаги санузелда унитаз, юз-қўл ювгич ва деворга маҳкамланган махсус кўтариб-тушириладиган ўриндикли душ ҳамда трап (кўчма зина) бўлиши керак.

250. Оқова сувларни оқизиш тизими бўлган ётоқхоналардаги санитария-гигиена хоналарининг ускуналари қуйидаги ҳисобдан қабул қилиниши керак:

а) ёлғиз яшовчиларга:

1 та унитаз, 1 та душ (ёки ванна), 1 та юз-қўл ювгич 4 — 6 кишига;

б) кичик оилага:

1 та унитаз, 1 та душ (ёки ванна), 1 та юз-қўл ювгич 2-3 кишига.

251. Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлардаги яшаш хоналари таркибида (ичида) бирлашган санузеллар (унитаз, юз-қўл ювгич, душ, оёқ ваннаси) лойиҳаланиши лозим.

10 — 15 кишидан иборат гуруҳ бўлган ҳолда ванна хона лойиҳалашга йўл қўйилади.

Ушбу объектларда электр энергияси, совуқ ва иссиқ сув сарфини ҳисоблагичлар ўрнатилиши лозим.

2-§. Ошхона муҳандислик жиҳозлари

252. Сейсмик фаол ҳудудларда янги қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик тоифа III ва IV бўлган объектларда газ ва электр тармоқларини кучли zilзила пайтида автоматик блоклаш тизими ўрнатилиши лозим.

253. Ётоқхоналарда, қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслар мавжуд оилаларнинг уйларида (қаватлар сонидан қатъий назар) ошхоналар, тахмонсимон ошхоналар таом тайёрлаш учун электр ускуналари (плита, пишириш панеллари, пишириш печлари) билан жиҳозланиши лозим.

254. Квартирага қарашли участкадаги ёзги ошxonани плита ва идиш-товоқ ювгич билан жиҳозлашга йўл қўйилади.

3-§. Совуқ ва иссиқ сув таъминоти

255. Оқова сувларни оқизиш тизими бўлмаган ҳудудлардаги аҳолини уларнинг уйларида 100 м дан узоқ бўлмаган масофада жойлашган сув чиқариш ускуналари (колонкалари) орқали таъминлаш лозим.

256. Оқова сувларни оқизиш тизими бўлган ҳудудлардаги биноларда ичимлик ва ёнғинга қарши сув таъминоти ҳамда марказлашган иссиқлик таъминоти тизимидан ёки заводда ишланган маҳаллий сув иситиш жиҳозлари орқали иссиқ сув билан таъминланиши керак.

257. Баландлиги 28 м ва ундан юқори бўлган турар жойларда, шунингдек қурилиш ҳажми 5000 м³ ва ундан ортиқ бўлган ётоқхоналарда ёнғинга қарши сув таъминоти тизими лойиҳаланиши керак.

Ёнғинга қарши сув таъминоти тизими бинонинг фасадига чиқарилган ёнғин ўчириш автономасосларни улаш учун диаметри 80 мм бўлган бирлаштирувчи тирсақлар, ташқаридан бошқариладиган тескари клапанлар ва зулфинлар (задвижкалар) билан жиҳозланган бўлиши лозим.

258. Хўжалик ва маиший эҳтиёжи учун бериладиган ичимлик суви ва иссиқ сув сифати O'zMST 133-2024га мувофиқ бўлиши керак.

Иссиқ сувни олиш жойидаги ҳароратни 50 °C дан паст ва 75 °C ортиқ бўлмаган ҳолда ушлаб туриш керак.

259. Иссиқ сув таъминоти тизимида сувни узатиш учун иссиқ ва совуқ сув алоҳида келиб уланадиган ва уларни аралаштириб чиқарадиган жўмрак ўрнатиш керак.

260. Санитар-техник жиҳозларга келадиган сув босими бир секунддаги ҳисобий сарфга етадиган бўлиши ва 0,6 МРа дан ошмаслиги лозим.

261. Қариялар учун ванналардаги ва ногиронлиги бўлган шахслар учун санузеллардаги смесителларда 50 °С дан ортиқ температурадаги иссиқ сув келишининг олдини оладиган термостатик регулятор ўрнатилган бўлиши лозим.

262. Сув таъминоти тизимининг ҳар бир квартирининг, хўжалик блоки, сауна, унитаз баки, сув иситгич колонкаларидаги тармоқланадиган жойларида ёпадиган арматура (запорная арматура) ўрнатиш керак.

263. Ички сув таъминоти тизимида бино периметрининг ҳар 60 — 70 метрида ташқи девордаги тўйнуқларда биттадан ўрнатиладиган суғориш жўмрагига йўл қўйилади.

Сув маълум вақтларда бериладиган ҳудудларда суғориш жўмраги ўрнатилмайди.

264. Ванна ва душхоналарда ёз вақтида ўчириб қўйиш имконини берувчи схема бўйича сочиқ куритгич ўрнатилиши лозим.

265. Автомат кир ювиш машинасини совуқ ва иссиқ сув ҳамда оқова қувурларига улаш учун уларда пробкалар билан ёпиб қўйиладиган штуцерлар ўрнатилиши керак.

266. Ванна ва душ тагликларнинг (поддон) металл корпуслари сув қувурлари билан металл ўтказгичлар воситасида туташтирилиши лозим.

4-§. Оқова сувларни оқизиш тизими

267. Ички маиший оқова сувларни оқизиш тизими ўрнатилган барча санитария-техник жиҳозларидан (унитаз, ванна, душ, юз-қўл ювгич) чиқадиган оқова сувларни кетказиш учун мўлжалланган бўлиши лозим.

268. Конструкциясида гидравлик ёпқич бўлмаган санитария-техник жиҳозларининг (душ поддонлари, кир ювиш машиналарининг мағзава чиқиш жойи) остидаги чиқиш жойига гидравлик ёпқичлар ўрнатилиши керак.

269. Оқова сувларни кетказиш ўз оқими билан кетадиган ёпиқ қувурўтказгичлар бўйича, ифлосланиб тикилиб қолиш эҳтимолини максимал камайтирадиган қилиб ўрнатиб, амалга оширилиши керак.

Қўшни квартираларда жойлашган санитария жиҳозларини умумий тармоқ қувурўтказгичига улашга йўл қўйилмайди.

270. Ички оқова сувларни оқизиш тармоғини яшаш хоналари, намлик бўлиши мумкин бўлмаган хоналар ҳамда ошхона ва вестибюллар шифтининг ости бўйлаб, девор ва пол ичи билан ўтказишга йўл қўйилмайди.

271. Уйнинг ички ўзи оқадиган оқова сувларни оқизиш тармоғининг вентиляциясини (қишлоқдаги 1 қаватли уйлар бундан мустасно) ҳаво тортадиган қисми бино тоmidан юқорига чиқарилган уйнинг оқова сувларини оқизиш вертикал қувури орқали амалга ошириш керак.

Вертикал қувурларнинг ҳаво тортадиган қисмини очиладиган дераза ва балконлардан камида 6 m масофада, тортувчи вентиляция блокларининг учидан камида 1 m масофада жойлаштириш керак.

272. Оқова сувларни оқизиш вертикал қувурларини вентиляция канали ва шахталари ичидан ўтказишга йўл қўйилмайди.

273. Оқова сувларни оқизиш вертикал қувурларини чордоқ бўшлиғида тўхтатишга йўл қўйилмайди.

274. Квартиралардан чиқадиган оқова суви дўконлар, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари оқова суви билан (бино ташқарисида жойлашган биринчи оқовалаштириш қудуғигача) бирлаштирилмаслиги керак.

275. Квартираларда ички оқова сувларни оқизиш тармоғини монтаж шахталари, каналлар ва короблар ичига беркитиб ўтказиш лозим.

5-§. Иситиш

276. Турар жой объектларининг яшаш хоналаридаги ҳаво ҳарорати мазкур ШНҚнинг 10-11-жадвалларида келтирилган ҳисобий кўрсаткичлари иситиш тизимлари орқали таъминланиши керак.

277. Иссиқ сув истеъмоли ҳажмининг камида 25 фоизи ушбу объектларда ўрнатиладиган куёш сув иситиш қурилмалари орқали қопланишини таъминлаш лозим.

278. Турар жой объектларида буғли иситиш тизими ва газ билан иситиладиган каминларни қўллашга йўл қўйилмайди.

279. Сувли иситиш тизими қўлланилганда, қувурдан тайёрланган иситиш қисмларни қурилиш конструкциялари (ора ёпма, девор, пардевор) ўрнатишга йўл қўйилмайди.

280. Марказлаштирилган иситиш тизимига эга бўлган кўп қаватли уйнинг ҳар бир иситиш блоки иссиқлик миқдорини ўлчаш учун ҳисоблагич ва иситиш ҳароратини тартибга солувчи мослама билан жиҳозланган бўлиши керак.

281. Иситиш жиҳозлари юзасидаги ҳарорат 105 °С дан, қария ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг хоналарида эса 95 °С дан ошмаслиги лозим.

282. Иситиш жиҳозлари (радиатор ва конвекторлар) ташқи деворнинг ички юзасида дераза остида очиқ ҳолда жойлаштирилиши лозим.

Маҳаллий иссиқлик манбаидан ишлайдиган иситиш тизимида иситиш жиҳозларини ички деворларга ўрнатишга йўл қўйилади.

283. Иситиш радиаторлари ўрнатиладиган жойларга 0,5 kW ток кучига эга электр кабеллари олиб келиниши лозим. Ушбу кабеллар ердан ўтказилиши керак.

284. Қаттиқ ёнилғида ишлайдиган иситиш қозонларни ҳар бир квартирада ўрнатиш икки қаватли турар жой объектларида лойиҳаланиши мумкин.

285. Янги кўп квартирали уйлар, ётоқхоналар ҳамда интернат уйларни ва марказлашган иситиш тизимларини электр энергияси, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга мослаштирилган ҳолда лойиҳалаштириш ва бунда биноларни иситиш ва совутишнинг марказлашган тизимига муқобил энергия манбаларидан ишлайдиган замонавий технологияларни (гелеоколлектор, иссиқлик насоси, куёш панеллари, иссиқликни қайта тиклаш) қўллаш самарадорлигини оширишни таъминлаш лозим.

286. Иситиш учун электр энергияси сарфи ҚМҚ 2.01.18-19да белгиланган талаблар доирасида бўлиши керак.

6-§. Вентиляция ва ҳавони кондиционерлаш

287. Квартираларда ҳисобланган ҳаво параметрлари ва ҳаво алмашинуви частотаси ушбу ШНҚнинг 10 ва 11-жадвалларига мувофиқ бўлиши керак.

288. Вентиляция орқали хоналардаги микроклимнинг норматив кўрсаткичлари таъминланмаган ҳолда, лойиҳалаш топшириғига кўра ҳавони кондиционерлаш тизими қўлланилишига йўл қўйилади.

289. Тутунга қарши шамоллатиш тизимларини ШНҚ 2.01.02-04 ва ШНҚ 2.04.05-22 ларга мувофиқ лойиҳалаш керак.

290. Лойиҳалашда ташқаридан тоза ҳаво оқимининг яшаш хоналарига киришини ва у ердан ёрдамчи хоналарга ўтишини таъминлаш лозим.

291. Квартира ва ётоқхона яшаш хоналарининг вентиляциясини ошхона, ҳожатхона, ўтхона (котельная), ванна ва душхоналардаги вертикал ҳавони сўрувчи каналлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш керак.

292. Ҳар бир квартира доирасида қуйидагиларга йўл қўйилади:

ошхона ва ўтхонадан алоҳида-алоҳида каналлар чиқарилиши;

ҳожатхона, ванна, душ ва гигиена хоналаридан тортувни горизонтал ҳаво ўтказгичлар орқали битта каналга бирлаштириш.

293. Ҳавони сўрувчи вертикал каналларни бино тоmidан ташқарига чиққунча ёки очиқ чордоқ бўшлиғига чикит қилиб чиқариш керак.

294. Беш қаватгача бўлган (5-қават ҳам киреди) кўп квартиралли уйларда санузел ва ошхоналардан ҳавони тортиб олувчи каналларни ҳар бир қават учун мустақил алоҳида ўтказилиши лозим.

295. Олти ва ундан кўп қаватли кўп квартиралли уйларда қаватлардаги бир турдаги хоналардан ҳавони тортиб олувчи каналчаларни умумий йиғувчи вертикал ҳаво тортиш каналига қуйидаги шартлар бажарилган ҳолда улашга йўл қўйилади:

каналларни бирлаштириш вентиляция блокларининг битта тиклик чегарасида, баландлиги 2 м дан кам бўлмаган ёндош каналчалар воситасида бажарилганда;

олти қаватли биноларда умумий йиғувчи каналга фақат пастки уч қаватнинг ҳаво сўриш каналлари, 7-8, 9-10, 11-12, 13-14 ва 15-16 қаватли биноларда мос равишда пастки 4, 5, 6, 7, ва 8-қаватлар уланганда.

296. Сув иситкич, қозон (котёл) ва печкаларнинг мўриларини вентиляция канали вазифасини бажармаслиги керак.

297. Барча қаватларда, шунингдек тахмонсимон ошхоналар ташкил этилган квартираларда санузел ва ошхоналар алоҳида ажратилган ҳаво тортиш каналларига кириш қисмида маиший ҳаво сўрувчи вентиляторлар ўрнатилиши керак.

298. Кўп квартиралли уйлар ичига бириктириб қурилган жамоат хоналарининг вентиляция тизими уйнинг вентиляция тизимидан алоҳида бўлиши керак.

Ёнғин-портлаш хавфи бор моддалар сақланмайдиган ва 1,5 қарра ҳаво алмашинуви етарли бўлган ички қурилган жамоат хоналаридаги табиий вентиляция каналлини, кўп квартиралли уйнинг вентиляция тизимига ушбу ШНҚнинг 294-банди талабларига риоя қилган ҳолда бирлаштириш (қўшиш)га йўл қўйилади.

299. Турар жой объектларининг ошхоналарида плита устига ҳаво сўргич ўрнатиш лойиҳалаш топшириғи билан белгиланишига йўл қўйилади.

300. Турар жой объектларида ҳавони кондиционерлаш, мустақил (автоном) кондиционерлардан фойдаланиб бажарилади.

Iа ва Iб иқлимий зоналардаги биноларнинг 1 — 4 хонали квартираларида битта кондиционер, ундан каттароқ квартираларда иккита кондиционер ўрнатишга йўл қўйилади.

301. I ва II иқлимий зоналардаги турар жой объектларининг яшаш хоналарини кондиционерлар билан жиҳозлаш лойиҳалаш топшириғи билан белгиланади.

7-§. Электротехника қурилмалари

302. Турар жой объектларида электр ёритиш ва кучланишли электр ускуналари ШНҚ 2.04.17-19га мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

Электр ускуналарининг конструкцияси, тайёрланиши, ўрнатилиш усули, изоляциясининг синфи ва ҳимояланганлик даражаси электр тармоғидаги кучланишга ҳамда атроф-муҳит шароитига мос келиши зарур.

303. Кўп квартиралли уйларнинг электр ўтказкичлари ишончлилик даражасига кўра қуйидаги тоифаларга бўлиниши керак:

электр плиталар ҳамда электр сув иситкичлар ўрнатилган, баландлиги 16 қаватгача бўлган кўп квартиралли уйларга (бир-саккиз квартиралли уйлар бундан мустасно);

газда ишлайдиган плиталар ўрнатилган 5 дан 10 қаватгача бўлган кўп квартиралли уйларга;

II тоифага — (50 кишига мўлжалланган умумий ётоқхоналар);

газ плиталар ўрнатилган, баландлиги 5 қаватдан ошмайдиган турар жой биноларига;

III тоифага — (электр плиталар ҳамда электр сув иситкичлар ўрнатилган бир-саккиз квартиралли уйлар, 50 кишига мўлжалланган умумий ётоқхоналар бинолар).

304. Турар жой объектларидаги гуруҳланган электр тармоқлари яширин қилиб ўтказилиши, включателлар ва розеткалар деворга ўйиб ўрнатилиши керак.

Турли квартиралар орасидаги деворга, бир квартира доирасида бир ўқ бўйлаб 2 та включатель ёки розеткани ёнма-ён ўрнатишга йўл қўйилмайди.

305. Квартиралар ҳамда умумий ётоқхоналарнинг яшаш хоналарига хонанинг ҳар бир тўлик ва тўлик бўлмаган 6 м² майдонига 6А токка мўлжалланган биттадан розеткани ўрнатиш

керак. I ва II зоналардаги квартираларнинг умумий хонасида маиший кондиционерга учун 10 — 16 А токка мўлжалланган ерланган контактли розетка лойиҳаланиши керак.

306. Квартира йўлакларида йўлакларнинг ҳар бир тўлиқ ва тўлиқмас 10 м² майдонига 6А токка камида биттадан розетка жойлаштирилиши зарур.

307. Ошхоналарга 6 А токка мўлжалланган учта розетка, майдони 8 м² дан катта бўлган ошхоналарга эса тўртта розетка, шунингдек ерланган контактли 10-16 А токка мўлжалланган битта розетка ўрнатилиши лозим.

Электр плиталардан фойдаланилганда 32 А токка мўлжалланган ва ерланган контактли розетка ўрнатилиши зарур.

308. Квартиралардаги кондиционери бор хоналарнинг барчасига 10-16 А токка мўлжалланган ерланган контактли розеткалар ўрнатилиши керак.

309. Санузеллар, ваннахона ва душхоналар, ювиниш хоналари ҳамда ётоқхоналарнинг душхона олдидаги хоналарига ҳимояланиш даражаси IP54 дан кам бўлмаган штепселли розеткаларни ваннадан ёки душ хонасининг эшигидан камида 0,6 м масофада ўрнатишга йўл қўйилади.

310. Яшаш хоналари, ошхоналар, даҳлиз ва верандалар, шунингдек майдони 5 м² дан катта лоджияларда зарур бўлганида шифтга, лоджияларда эса деворга осиб қўйиладиган ёки маҳкамланадиган умумий ёритиш ёриткичларини ўрнатишга мўлжалланган клеммали колодкалар ёки маҳкамловчи мосламалар ўрнатилиши керак.

311. Майдони 10 м² ва ундан катта бўлган яшаш хоналарига лампаларни икки қисмлаб ёқса бўладиган кўп лампали ёриткичлар ўрнатиш имкониятини кўзда тутиш зарур.

312. Квартиралардаги ҳожатхоналарда эшик тепасида деворга патрон, ваннахоналарда эса, юз-қўл ювгич тепасига ёриткич ўрнатилиши керак.

313. Олти ва ундан кўп қаватли кўп квартирали уйлар, шунингдек 50 нафар ва ундан кўпроқ киши истиқомат қиладиган умумий ётоқхоналар авария ҳолатида ишлайдиган ёритиш тизими билан таъминланиши лозим.

314. Янги қуриладиган кўп квартирали уйларнинг пастки қаватларида нотурар объектлари жойлашган тақдирда ярим ертўла ва биринчи ертўла қаватларида курук трансформаторларни ва дизелгенераторларни ШНҚ 2.04.17-19га мувофиқ лойиҳалаш керак.

315. Турар жой объектларида том қисмларининг камида 50 фоизига қуёш панеллари ўрнатилиши керак.

316. Турар жой объектларига ўрнатиладиган фотозлектрик станциялар ШНҚ 2.04.15-23га мувофиқ лойиҳаланиши керак.

8-§. Алоқа ва сигнализация

317. Турар жой объектлари ахборот узатиш тизимлари, телефон ва рақамли телевидение жамоавий антенналари билан жиҳозланиши керак.

318. Қариялар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар мавжуд оилалар истиқомат қиладиган квартираларда, умумий ётоқхона биносидаги ҳожатхона, ваннахона санитария-гигиена хоналаридан ташқари барча хоналарда, 10 қаватли ва ундан баланд кўп квартирали уйларнинг квартираларида ёнғин сигнализацияси ва ёнғин ҳақида хабар бериш ускуналарини ўрнатиш лозим.

319. Турар жой объектларини қўриқлаш ва автоматик ёнғин сигнализацияси тизими билан жиҳозланиши лойиҳалаш топшириғида белгиланишига йўл қўйилади.

Автоматик ёнғин сигнализацияси ёки ўчириш тизими ишга тушгандан сўнг, энг яқин ёнғин-қутқарув қисмининг диспетчерлик хизматига параллель равишда сигнални чиқариш таъминланиши лозим.

320. Ёнғинга қарши қурилмаларнинг автоматик бошқариш темир шкафларини биринчи қаватдаги электр шчит хонасида жойлаштириш керак.

321. Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга мўлжалланган интернат уйларда хизмат кўрсатиш ходимларини чақириш учун сигнализация тизими бўлиши керак.

322. Уч қаватли ва ундан баландроқ кўп квартирали уйларни лойиҳалашда квартираларнинг кириш эшикларида домофонлар (кулфлаш-сўзлашиш қурилмалари) лойиҳаланиши керак.

323. Видеокузатув камераларини турар жой объектларининг бутун периметри бўйлаб кўринишни таъминлайдиган жойларга ўрнатиш лозим.

11-боб. Табiiй ёритиш ва инсоляция

324. Турар жой объектларини СанҚваН 0331-16 ва ШНҚ 2.01.01-22га мувофиқ иқлимий қурилиш зоналарининг асосий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш керак.

325. Яшаш хоналари, ошхоналар, оқовалаштирилмаган ҳожатхоналар, зинапоя катаклари (квартира ичидагидан ташқари), йўлакли турдаги биноларда умумий йўлақлар, вестибюллар ҳамда бино ичига жойлаштирилган жамоат хоналарида табiiй ёритилганлик таъминланган бўлиши керак.

326. Турар жой объектлари хоналарини табiiй ёритишни мазкур ШНҚнинг 7-иловасига мувофиқ табiiй ёритилганлик коэффицентининг норматив қийматини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштирилиши, бунда деразалар майдонининг яшаш хоналари ва ошхона полларининг майдонига нисбати 1:10 дан кам бўлмаслиги керак.

327. Яшаш хоналарининг деразаси жойлашган ташқи девори билан ички параллель девор орасидаги масофа дераза жойлашган девор энининг уч қаррасидан ошмаслиги керак.

Бунда, умумий хона ва ётоқхоналарда табiiй ёруғлик даражаси 150 (lux) дан кам бўлмаслиги таъминланиши лозим.

328. Йўлакли турдаги турар жой объектларининг умумий йўлақлар деразасининг юзаси пол юзасининг 1:16 нисбатидан кам бўлмаслиги керак.

329. Ётоқхоналар умумий йўлақларининг узунлиги ташқи девордаги деразалар орқали бир томондан (торец) ёритилганда 24 m дан, икки чекка томонидан ёритилганда 48 m дан ошмаслиги керак.

Йўлақлар узунлиги бундан ортиқ бўлса, оралиқ табiiй ёруғлик майдончалари орқали қўшимча табiiй ёритиш керак.

Икки ёруғлик майдончалари орасидаги масофа 24 m дан, ёруғлик майдончалари билан йўлак охиридаги (торец) ёруғлик туйнуғи орасидаги масофа 30 m дан ошмаслиги лозим.

Ёруғлик майдончасининг кенглиги (эни) ичкарига кирган қисмининг ярмидан кам бўлмаслиги лозим (ёндош йўлак кенглиги ҳисобга олинмайди).

Зинапоя катаклари орқали унинг икки томонида жойлашган 12 m гача узунликдаги йўлақларни ёритишга йўл қўйилади.

330. Ётоқхоналарда икки кишилиқ яшаш гуруҳининг ва бир хонали квартиралардаги электр плитали ҳамда вентиляцияси бўлган овқат тайёрлаш зоналарини табiiй ёритишсиз лойиҳалашга йўл қўйилади.

331. Табiiй ёритилган хоналар фрамуга, дарча ёки бошқа қурилмалар орқали шамоллатилиши керак.

332. Квартиралар икки томонлама ёки ён томондан шамоллатилиши таъминланиши лозим.

333. Йўлакли (коридор) туридаги ётоқхона биноларида яшаш хоналарини бевосита табiiй ёритилган ва тўғри ёки бурчак томондан шамоллатиладиган узунлиги 24 m гача бўлган умумий йўлақлар (коридорлар) орқали шамоллатишга йўл қўйилади.

334. Ҳар бир яшаш хонаси ва ошхона камида битта очиладиган деразага эга бўлиши керак (тахмонсимон ошхона бундан мустасно).

Деразанинг очиладиган табақасининг очиқ қисмининг эни 0,6 m дан кам бўлмаслиги лозим.

335. Турар жой объектлари хоналаридаги инсоляция давомийлиги СанҚваН 0331-16 га мувофиқ таъминланиши керак.

336. Ётоқхоналарда яшаш хоналарининг камида 60 фоизи, интернат уйларида камида 75 фоизи СанҚваН 0331-16 бўйича белгиланган миқдорда инсоляция қилиниши лозим.

337. Турар жой объектларининг яшаш хоналарини ортиқча қуёш радиацияси ва исиб кетишдан сақлаш СанҚваН 0331-16 га мувофиқ бўлиши керак.

338. I ва II иқлимий зоналарда яшаш хоналарининг деразалари ғарб томонга (горизонтнинг 200 — 290° сектори оралиғи) имкон қадар қаратилмаслиги лозим.

Бунда, икки хонали квартирада — битта хонани, уч хоналида — иккитагача, ётоқхоналарда — кўпи билан 25 фоиз яшаш хоналарини қуёшдан ҳимоя қилувчи қурилмалар ёки махсус ойналар қўлланилган ҳолда, кўрсатилган томонга қаратилишига йўл қўйилади.

I ва II иқлимий зоналарда яшаш хоналари горизонтнинг 200 — 290° секторига қаратилганда ташқи қуёшдан ҳимоя қилувчи қурилмалар қўлланилиши лозим.

339. Ташқарига чиқиши бўлмайдиган зинапоя катакларининг ҳар бир қавати ташқи девордаги дераза орқали ёритилиши, бунда дераза юзаси 1,2 м² дан кам бўлмаслиги лозим.

340. Юқоридан ёритилган L2 турдаги зинапоя катагини ушбу ШНҚнинг 169 — 171-бандларидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда уч қаватгача бўлган биноларда қўллашга йўл қўйилади.

341. Ёнғин вақтида фойдаланиш учун мўлжалланмаган ёзги хоналар (лоджиялар) ойнаванд қилиб лойиҳаланиши керак (балкон ва террасалар бундан мустасно).

Кўшни секцияларга, ташқи (очиқ) зинапоялар, авария вазиятидаги чиқиш жойлари, тутун кирмайдиган зинапоялардаги ўтиш учун ишлатиладиган ёзги хоналарни (балконлар, лоджиялар) ойнавандлашга йўл қўйилмайди.

12-боб. Энергия тежамкорлик ва энергия самарадорлик

342. Бинонинг энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик ўтказишга келтирилган қаршилиги, ҳаво ўтказувчанлиги ва иссиқбардошлиги ШНҚ 2.01.04-18да белгиланган қийматлардан паст бўлмаслигига;

иситиш, вентиляция, ҳавони кондиционерлаш ва иссиқ сув таъминоти муҳандислик тизимлари ва ускунаси энергия тежамкор, автоматик ҳамда қўл билан бошқаришга эга бўлиши, шунингдек ШНҚ 2.04.05-22 ва ШНҚ 2.04.16-23 талабларига жавоб беришига;

бинонинг муҳандислик тизимлари, марказлашган таъминотда, иссиқлик энергияси, совуқ ва иссиқ сув, электр энергияси ҳисоблагичлари билан жиҳозланган бўлишига.

343. Бинонинг оптимал техник-иқтисодий кўрсаткичларига эришиш ҳамда иситиш ва кондиционерлашга нисбий солиштирма энергия сарфларини қисқартириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

қурилиш ҳажми бирлигига тўғри келадиган ташқи тўсиқ конструкцияларининг мумкин бўлган энг кам юзасига эга биноларнинг энг ихчам ҳажмий-тарҳий ечимларни танлаш;

бино ва унинг хоналарини совуқ шамол ва қуёш радиацияси оқимларининг мақбул йўналишларини ҳисобга олиб, горизонт томонларига нисбатан йўналтириш (ориентация);

юқори фойдали иш коэффициентига эга самарали муҳандислик жиҳозларини қўллаш; чиқиб кетаётган ҳаво ва оқова сувларни утилизация қилиш (қайта қўллаш), энергиянинг қайта тикланувчи манбаларидан фойдаланиш.

344. Янги қуриладиган турар жой объектларини лойиҳалаштиришда уларнинг энергия самарадорлиги ва сейсмик хавфсизлигини комплекс таъминлаш мақсадида, тўсувчи конструкциялар материалларини ҚМҚ 2.01.03-19 ва ШНҚ 2.01.04-18 талабларига мувофиқ танлаш лозим.

13-боб. Турар жой объектларини лойиҳалашда маиший чиқиндиларни жойлаштириш ва сақлашга қўйиладиган талаблар

345. Турар жой объектларида маиший чиқиндиларни жойлаштириш ва уларни тўплаш шохобчаларини лойиҳалаш лозим.

346. Чиқинди тўплаш шохобчалари турар жой объектларининг деразалари, дам олиш жойларидан 20 метрдан кам бўлмаган ва 100 метрдан узоқ бўлмаган масофада, шунингдек

моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг кўриқланадиган тегралари чегараларидан ташқарида жойлаштирилиши зарур.

347. Алоҳида жойлашган майдончада (ўтиш йўлидан узоқда) махсус автотранспорт воситасининг контейнерларни бўшатиш учун қулай кириш имконияти ва бурилиш майдончаси (12 m x 12 m) бўлиши лозим.

348. Контейнерларни ўрнатиш майдончаларининг юзаси асфальтланган ёки бетон қопламали бўлиши лозим.

349. Сув туриб қолишига ва контейнерларнинг сирпаниб кетишига йўл қўймаслик мақсадида майдонча қопламасининг қиялиги ўтиш йўли қисми тарафга 5 — 10 фоизни ташкил этган ҳолда ва махсус автотранспорт воситасининг киришига қулай тарзда ўрнатилади.

Кўп квартирали уйлар квартираларининг, ётоқхоналар ва интернат уйларнинг умумий ва яшаш майдонлари, хоналар майдони, объектнинг қурилиш ҳажми, майдони ва қаватларини ҳисоблаш

1. Квартира майдонини лоджиялар, балконлар, верандалар, террасалар, иситилмайдиган хўжалик хоналари (кладовка), тамбурларни ҳисобга олмай, яшаладиган ва ёрдамчи хоналар майдони йиғиндиси сифатида аниқлаш керак.

2. Квартира ва ётоқхона яшаш гуруҳининг яшаш майдонини яшаш хоналар майдонининг йиғиндиси деб ҳисоблаш лозим.

3. Квартиранинг умумий майдонини ундаги хоналар, хўжалик хоналари (кладовка) ва ички қурилган шкафлар ҳамда қуйидаги пасайтирувчи коэффициентлар билан ҳисобланадиган иситилмайдиган хўжалик хоналари ва ёзги хоналар майдонлари йиғиндиси деб ҳисоблаш керак:

иситилмайдиган хўжалик хоналари ва ойнаванд ёзги хоналар учун — 1,0;

очиқ лоджиялар учун — 0,5,

балкон ва терраса учун — 0,3.

4. Ётоқхона ва интернат уйлар умумий майдонини яшаш хоналари, ёрдамчи хоналар ва жамоат хоналари майдони ҳамда ушбу илованинг 3-банди бўйича ҳисобланадиган ёзги хоналар майдонлари йиғиндисини ҳисоблаш керак.

5. Квартираларнинг умумий майдони шу бино квартираларининг мазкур илованинг 3-банди бўйича ҳисобланган умумий майдонлари йиғиндиси деб ҳисоблаш лозим.

6. Кўп квартирали уйларнинг майдонини ташқи деворнинг ички юзалари оралиғида ўлчанган барча қаватлар майдони ҳамда ёзги хоналар (лоджия, балкон) майдонлари йиғиндиси деб ҳисоблаш керак.

Зинапоя катаклари, лифт ва бошқа шахталар майдони уларнинг шу қават сатҳидаги майдони ҳисоби билан битта қават майдониға қўшилиши зарур.

Чордоқ, хўжалик ва техник ертўла ҳамда зинапоя катаклари ва лифт шахтаси тамбурларининг майдони бино майдониға қўшилмаслиги лозим.

7. Кўп квартирали уйлар хоналарининг майдонини, пол сатҳида (плинтусларсиз) девор ва пардеворларнинг пардозланган юзалари орасидаги ўлчамлари бўйича ҳисоблаш керак.

Камин (печка) эгаллаган майдон хона майдониға киритилмаслиги керак.

Квартира ичидаги зинапоя ости майдони полдан чиқиб турган конструкция остигача бўлган баландлиги 1,6 m ва ундан ортиқ бўлса, ўша зинапоя жойлашган хона юзасиға киритилиши зарур.

Мансарда қаватидаги хона майдонини ҳисоблашда, қия шифтли хонанинг баландлиги 1,6 m дан кам бўлмаган қисмининг майдони ҳисобга олиниши керак.

8. Ичига ёки ички туташтириб қурилган жамоат хоналарининг майдони ШНҚ 2.08.02-23 га мувофиқ ҳисобланиши зарур.

Квартира ичидаги кўп қаватли (многосветный) хонанинг майдони бинонинг умумий майдониға фақат бир қават чегарасида киритилиши керак.

9. Кўп квартирали уйнинг қурилиш ҳажми $\pm 0,00$ белгидан юқори қисм (ер устки қисми) ва бу белгидан қуйи қисм (ер остки қисми) ҳажмлари йиғиндиси деб ҳисобланиши лозим.

Турар жой объектнинг ер усти ва ер ости қисмларининг қурилиш ҳажми, шу қисмларнинг ҳар биридаги пол сатҳидан бошлаб, чегараловчи юзалар, шунингдек тўсиқ конструкциялар, ойнаванд томлар чегарасида аниқланиши, бунда архитектуравий ва конструктив элементларнинг туртиб чиқиб турган қисмлари, техник ертўла (подполье) даги

каналлар, терраса, балкон, колоннали ёпик галерея (портик), таянч (устун)лар устида жойлашган бино тагидаги ўтиш жойлари ва бўш майдонлар ҳажми ҳисобга олинмаслиги керак (соф ўлчовда).

Турар жой объектининг қурилиш ҳажмига иситилмайдиган верандалар, совуқ чордоқ, техник қават ва ертўлалар киритилиши лозим.

10. Турар жой объекти қуриладиган майдон бинонинг периметри бўйлаб цоколь баландлигидаги туртиб чиқиб турган қисмлар ҳам ҳисобга олинган горизонтал кесим майдони, шунингдек устунлар устида жойлашган бинонинг остидаги майдон ва бино остидан ўтиш жойларининг майдони сифатида ҳисобланиши керак.

11. Турар жой объектининг қаватлар сонини белгилаётганда ер устидаги қаватларнинг барчаси (техник қават, мансарда қавати, ярим ертўла (цоколь) қавати), агар ёпмасининг усти ернинг текисланган сатҳидан 2 m дан баландроқ бўлса, ҳисобга киритилиши керак.

Турар жой объекти остидаги ертўла (подполье) баландлигидан қатъи назар ҳамда баландлиги 1,8 m дан кам бўлган қаватлар аро ҳар қандай бўшлиқ қаватлар сонига киритилмаслиги зарур.

Турар жой объектининг турли қисмларида қаватлар сони турлича бўлганда, шунингдек бино нишаб жойда жойлашиши ҳисобига қаватлар сони кўпайса, қаватлар сони бинонинг ҳар бир қисми учун алоҳида ҳисобланиши зарур.

Юқори қават устида жойлашган техник қават турар жой объектининг қаватлари сонини белгилаётганда ва лифтлар сонини ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

ШНҚ 2.08.01-24 «Турар жой
объектларини лойихалаш» шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
2-ИЛОВА

**Ётоқхоналарнинг маданий-маиший, хўжалик ва ёрдамчи хоналар таркиби ва ҳисобий
кўрсаткичлари**

Т/р	Хоналар	Майдони, м ² /киши				
		50	100	200	400	600
1.	Вестибюль-холл, навбатчи учун ва кутиш жойлари билан	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15
2.	Маъмурият (комендант) ва хизматчи ходимлар хоналари	0,16	0,10	0,06	0,05	0,04
3.	Шахсий буюмлар, спорт-анжомлари, хўжалик, кир сақлаш, тозалаш анжомларини сақлаш хоналари	0,3	0,25	0,2	0,17	0,15
4.	Машғулотлар хонаси	Талаба ва ўқувчилар учун				
		0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
		Ишчи ва хизматчилар учун				
		0,15	0,15	0,15	0,15	0,15
5.	Дам олиш хоналари	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15
6.	Оммавий-маданий-тадбирлар хонаси (тўғарак, ўқиш зали, видеозал)	0,15	0,15	0,15	0,09	0,08
7.	Буфет, ёрдамчи хонаси билан	-	0,2	0,18	0,16	0,14
8.	Маиший хизмат хоналари	-	-	0,11	0,11	0,1
9.	Изолятор	1 койка	1 койка	1 койка	2 койка	3 койка
		(майдони амалдаги нормалар бўйича)				
10.	Кир ювиш, қуритиш ва дазмоллаш хонаси	0,24	0,18	0,14	0,1	0,08
		(12 м ² дан кам эмас)				
11.	Ошхоналар	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8
		(12 м ² дан кам эмас)				
12.	Кийим тозалаш ва дазмоллаш хонаси	0,1	0,08	0,07	0,06	0,05
		(8 м ² дан кам эмас)				
13.	Кийим ва пойабзал қуритиш хонаси	Жойдаги шароитга қараб (иш хусусиятини ҳисобга олиб) хонадан фойдаланувчининг ҳар бирига 0,2 м ² ҳисобидан, бироқ 8 м ² дан кам эмас				

Изоҳлар:

1. Ётоқхоналарнинг ҳамма турлари учун жамоат хоналарининг умумий майдони ушбу ШНҚнинг 114-бандига мувофиқ қабул қилинади. Профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари ётоқхоналари жамоат хоналари майдонининг умумий нормалари таркибида, яшаш гуруҳи, жамоат ва ёрдамчи хоналари ҳам 1 кишига 1,6 м² ҳисобидан ҳисобга олинган бўлиши керак (110-бандига мувофиқ).

2. 100 ўрндан кам сифимли ётоқхоналарда кир сақлаш ва хўжалик хоналари, ичига қурилган шкаф-стеллажлар билан алмаштирилиши мумкин.

ШНҚ 2.08.01-24 «Турар жой
объектларини лойихалаш» шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
3-ИЛОВА

**Қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлар хоналарининг таркиби
ва майдонлари**

Т/р	Хоналар	Майдони, м ²		
		Мустақил ҳаракатланувчи кишилар учун	Парваришга муҳтож кишилар учун	Ўриндикли аравададаги ногиронлиги бўлган шахслар учун
1	2	3	4	5
I. Яшаш гуруҳи хоналари майдони				
1.	Яшаш хоналари		лойихалаш топшириғи бўйича**	
	1 кишига	10 (12)*		14 (16)*
	2 кишига	16 (18)*		18 (20)*
2.	Санитария хонаси (унитаз, юз-қўл ювгич, душ)	3,5	3,5	5,0
3.	Ички қурилган шкаф — кийим, шахсий буюмлар учун (1 кишига)	0,5	0,5	0,5
4.	Дам олиш хонаси (1 кишига)	1,2	0,7	1,6
5.	Буфет хонаси	18 дан кам эмас		
6.	Ошхона-овқат тарқатиш хонаси	16 дан кам эма		
7.	Ванна хонаси	14 дан кам эмас		
8.	Санитар хонаси, кир сақлаш, қуритиш, супуриш-сидириш анжомлари сақлайдиган жойи билан	16 дан кам эмас		
9.	Маиший-хўжалик хона (нарсаларни ювиш ва қуритиш, йиғиштириш анжомлари сақлайдиган жойи билан)	12 дан кам эмас		
10.	Тоза кир сақлаш хонаси	4 дан кам эмас		
II. 3-4 та яшаш гуруҳи бўлимининг умумий хоналари				
11.	Ҳамшира хонаси (муолажа)	12	12	14
12.	Ходимлар хонаси	8	8	8
13.	Хўжалик-бекаси хонаси	10	10	10
14.	Ходимлар ҳожатхонаси	1 кабина	1 кабина	1 кабина
15.	Ходимлар душ хонаси	1 кабина	1 кабина	1 кабина
16.	Кийим ва кир дазмоллаш хонаси	12		
17.	Клизма қилиш хонаси	14		
18.	Аравача ва ўриндикли аравачаларни сақлаш жойи	4		
* Қавсларда юқори қулайликка эга яшаш хоналарининг майдони берилган.				
** Касалхона, стационар палаталарида 1 койка нормаси (ШНҚ 2.08.02-23) бўйича				
III. 50 — 300 ўринли уй-интернатларининг умумий хоналари				
19.	Вестибюль, холл	бир кишига 0,3 — 0,4		

20.	Маъмурий-хўжалик хоналари (мудир, хўжалик мудир, ходимлар хонаси, девонхона, кадрлар бўлими, бухгалтерия, анжомларни сақлаш)	бир кишига 0,4 — 0,5
21.	Дам олиш, клуб-тўғарак машғулотлари, телекўрсатувлар томоша қилиш хоналари; томоша зали, кутубхона	бир кишига 0,35 — 0,65 (24 — 30 m ² ўлчамдаги хона) яшовчилар сони 200 нафардан ошганда (таркиби ва майдони лойиҳа топшириғи билан белгиланади)
22.	Тиббий хизмат кўрсатиш ва даволаш-соғломлаштириш муолажалари хоналари фельдшер хонаси мудир хонаси	12 — 14 (яшовчилар сони 100 дан кам бўлмаганда) 12 (яшовчилар сони 200 дан кам бўлмаганда)
	терапевт шифокори хонаси	12 (100 ўринга ва ундан ортиқ)
	маслаҳатчи шифокорлар хонаси (ларинголог, офтальмолог)	ҳар бири 18 m ² (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)
	стоматолог хонаси	14 (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)
	муолажа ва боғлаш хонаси	18 (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)
	электр билан даволаш муолажа хонаси, ёрдамчи хонаси билан	14 — 16 (+8) (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)
	иссиқлик билан даволаш (озокерит) муолажа хонаси, ёрдамчи хонаси билан	14 (+8) (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)
	асбоб-ускунани сақлаш хонаси	6 дан кам бўлмаган
	ходимлар учун санитария узеллари ва йиғиштириш анжомларини сақлаш хонаси	3 + 3
	даволаш жисмоний тарбия хонаси	40 — 80 (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)
	зал қошида ечиниш ва душ хоналари (эркак ва аёллар учун)	2 x (12+3)
	массаж хонаси	14
	дориларни сақлаш ва тарқатиш хонаси (дорихона)	6 m ² дан кам бўлмаган (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)
	енгил ёнувчан суюқликларни сақлаш хонаси	3
	экспресс лаборатория хонаси	8 m ² дан кам бўлмаган (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)
		стерилизациялаш хонаси
медицина ходимлари хонаси		8 m ² дан кам бўлмаган
23.	Қабул хонаси	
	вестибюль (ғилдиракли каталкалар жойи билан)	12 (+2)
	текшириш хонаси (санитария узели билан)	18 (яшовчилар сони 100 нафардан ошганда)
	вақтинча жойлаштириш хонаси (санитария узели билан)	14 (яшовчилар сони 100 нафардан ошганда)

24.	1-2 палатали изолятор (санитария узели билан)	14 (ҳар бир палатага)
	Пост	4
25.	Морг хонаси (совитиш камераси билан)	10 + 6 (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)
	ходимлар хонаси (ечиниш хонаси, хожатхона ва душ билан)	9 + 3
26.	Архив	8 — 10
	Четдан келган қариндошлар учун ётоқхона (санитария узеллари билан 1-2 хона)	14 (ҳар бир хонага)
27.	Маиший хизмат хонаси (сартарошлик, педикюр)	14 — 20 (яшовчилар сони 100 нафардан ошганда)
28.	Ошхона	сиғимини 60 — 80 % га (амалдаги соғломлар ҳисобидан) 1,3 залдаги 1 ўрин учун амалдаги меъёрлар бўйича
	овқатланиш зали	
	овқат пишириш блоки	
29.	Почта ва банк хизматлари хонаси (вестибюльда)	10 — 12 (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)
30.	Вестибюльдаги навбатчи пости	6
31.	Вестибюльдаги савдо киоски	6 (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)
32.	Вестибюль қошида санузеллар	5
33.	Хўжалик хоналари:	
	ювилган чойшаблар ва кийимлар сақланадиган хона	10 — 12
	ювилмаган чойшаблар ва кийимлар хонаси	6 — 8
	шахсий буюмлар хонаси	12 — 16
	мавсумий кийимлар хонаси	12 — 16
	мебеллар хонаси	12 — 16
	жиҳозларни таъмирлаш хонаси	12 — 16
	боғдорчилик анжомлари сақлаш хонаси	6 — 8
	хўжалик омбори	15 — 16
	ёнғин пости хонаси	4
34.	Зарарсизлантириши (дезинфекция) камера хонаси	18 — 24 (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)
35.	Меҳнат терапияси устахоналари	Лойиҳалаш топшириғи бўйича (6 — 8 битта иш жойига)

Изоҳ: Хоналар таркиби ва майдонлари лойиҳалаш топшириғи билан ўрнатилади.

ШНҚ 2.08.01-24 «Турар жой
объектларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
4-ИЛОВА

Ихтисослаштирилган квартиралар хоналарининг тахминий таркиби ва майдони

Хоналар таркиби	Хоналар майдони, камида (m ²)					
	1 хонали		2 хонали	2 хонали 2 кишига	3 хонали 3-4 кишига	4 хонали 4-5 кишига
	1 киши	2 киши	2 кишига			
	Қариялар учун			ногиронлиги бўлган шахс мавжуд оилалар учун		
Яшаш хоналари:						
Умумий хона	16	18	16	18	20	22
2 кишилиқ ётоқхона	-	-	16	-	16	16
1 кишилиқ ётоқхона	-	-	-	-	-	10
ногиронлиги бўлган шахс ётоқхонаси	-	-	-	16	16	16
Яшаш майдони	16	18	32	34	52	64
Ёрдамчи хоналар						
Дахлиз (аравача учун жой билан), йўлаклар	4	6	4	6	8	8
Ошхона	8	8	8	9	9	10
Санузел	3,5	3,5	4	5	8	10
Хўжалик хона (кладовка)лари, ички қурилган шкафлар	1,0	1,0	2	2-3	4	6
Умумий майдон	32,5	36,5	50	56	81	98

Изоҳ: Квартира хоналари таркиби ва майдонлари лойиҳалаш топшириғи билан белгиланади.

ШНҚ 2.08.01-24 «Турар жой
объектларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
5-ИЛОВА

Ихтисослаштирилган квартиралли уйларда жамоат хизмат кўрсатиш хоналарининг таркиби ва майдонлари

Т/р	Хоналар	Майдон, ҳисобидаги бирликка m ²	Майдон, m ² , ҳисобдаги контингентни сониди (қариялар ва аравадаги ногиронлиги бўлган шахслар)		
			50	100	150
1.	Вестибюль-холл қоровул, таксофон, савдо киоски (сайёр), кўчаллик ўриндиқли аравачалар сақлаш жойлари билан	0,2	камида 12	20	30
2.	Маъмурий-маиший хоналар (маъмурият ва хўжалик бекаси хоналари, маиший хизмат пункти, кирхона қуритиш ва дазмоллаш хонаси билан, хўжалик ва супуриш-сидириш анжомлари хонаси, санузел)	0,8	40	80	120
3.	Маданий-маърифат хоналари, хаваскорлик машғулотлари, меҳмонхона, ўқув зали, телехолл, оммавий тадбирлар зали, стол усти ўйинлари	0,8	34	80	120
4.	Тиббий хоналар (ҳамшира хонаси, муолажа, массаж, физиотерапия, даволаш жисмоний тарбия зали)	0,2	камида 14	20	30
5.	ногиронлиги бўлган шахс ишлайдиган устахона	жойлардаги шароитга қараб			
Жами:		2,0	100	200	300

Изоҳлар:

1. Хоналар таркиби ва майдонлари лойиҳалаш топшириғи билан белгиланади. Ижтимоий уйларда маданий-маиший хоналарнинг умумий майдони 1 кишига 1,5-2,0 m² ҳисобидан келиб чиқиб қабул қилиниши керак.

2. Тижорат хизмати хоналарини кўрсатилган ҳисобий кўрсаткичлардан ташқари қабул қилишга йўл қўйилади.

3. Ногиронлиги бўлган шахслар устахоналарининг майдони лойиҳалаш топшириғи бўйича ўрнатилади.

ШНҚ 2.08.01-24 «Турар жой
объектларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
6-ИЛОВА

Лифтларнинг минимал сони

Бинонинг қаватлари	Лифтлар сони	Юк кўтарувчанлиги kg	Тезлиги m/s	Қаватдаги квартираларнинг энг катта майдони, m ²
9 гача	1	630 ёки 1000	1,0	600
10 — 12	2	400, 630 ёки 1000	1,0	600
13 — 16	2	400, 630 ёки 1000	1,0	500

Изоҳлар:

1. 630 ёки 1000 kg юк кўтарувчи лифт хоналарининг габаритлари 2100x1100 mm дан кам бўлмаслиги керак.

2. 1 яшовчига 16 — 18 m² яшаш майдони, қават баландлиги — 3,0 m, лифт ҳаракати интервали 81 — 100 секунд ҳисобидан келиб чиқиб тузилган.

3. Қаватлардаги квартиралар майдони, қават баландлиги ва 1 яшовчига умумий майдон, жадвалда қабул қилинган кўрсаткичлар қийматидан фарқ қиладиган турар жой биноларда, лифтлар сони, тезлиги ва юк кўтарувчанлиги ҳисоблаб ўрнатилади.

4. Юқори қаватларида икки сатҳли квартиралар жойлашган турар жой объектларида лифтни сатҳлардан биттасида тўхташига йўл қўйилади.

5. Йўлакли турдаги кўп квартирали уйларида ҳар 100 та квартирага битта лифт, квартиралар сони 100 тадан ортиқ бўлган ҳолда ҳар 100 тага қўшимча битта лифт ўрнатилиши лозим.

ШНҚ 2.08.01-24 «Турар жой
 объектларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик
 нормалари ва қоидаларига
 7-ИЛОВА

**Турар жой объектлари хоналарини табиий ёритилганлик коэффициенти (ТЁК) нинг
 меъёрланган қийматлари**

Хоналар	Географик кенглик	ТЁКни меъёрланган қийматлари, пол сатҳида %		
		Деразаларни горизонтга нисбатан жойлашиши		
		136 — 225°	225 — 315° 46 — 136°	316 — 45°
Яшаш хоналари, ошхона, жамоат хоналари	40° ва шимолроқ	0,3	0,3	0,4
Зинапоя катаклари, умумий йўлаклар,	40° ва жануброқ	0,2	0,3	0,6
Оқовалаштирилмаган ҳожатхоналар	ҳамма жойда	0,1	0,1	0,1

ШНҚ 2.08.01-24 «Турар жой
объектларини лойихалаш» шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
8-ИЛОВА

Турар жой объектлари учун йўл қўйиладиган шовқин даражаси

Т/р	Хоналар ёки майдонлар номи	Кун вақти, соат	Товуш босими даражаси, <i>dB</i> , ўртача геометрик частотали октава бўлмаларида, <i>Hz</i>								Товуш даражаси, <i>dB</i>	Қисқа вақтдаги товушнинг максимал даражаси, <i>dB</i>
			63	125	250	500	1000	2000	4000	8000		
1.	Квартиралар, қария ва ногиронлиги бўлган шахслар уй- интернатларининг яшаш хоналари	7-23	63	52	45	39	35	32	30	28	40	55
		23-7	55	44	35	29	25	22	20	18		
2.	Ётоқхоналар яшаш хоналари	7-23	67	57	49	44	40	37	35	33	45	60
		23-7	59	48	40	34	30	27	25	23		
3.	Турар жой уйларга бевосита ёndoш майдонлар*)	7-23	75	66	59	54	50	47	45	43	55	70
		23-7	67	57	49	44	40	37	35	33		
4.	Ётоқхона биноларига бевосита ёndoш майдонлар*)	7-23	79	70	63	58	55	52	50	49	60	75
		23-7	71	61	54	49	45	42	40	38		

* — тўсувчи конструкциялардан 2 м да.

Изоҳлар:

1. Ҳавони кондиционерлаш, ҳаволи иситиш ва вентиляция, шунингдек тонал ёки импульсли шовқин учун қийматлар 5 *dB* ёки 5 *dBA* га камайтирилади.

2. Шовқин манбаига ўгирилган, тўсувчи конструкциядан 2 м нарида транспорт воситаларидан (авто, темир йўл, авиация) ҳосил бўладиган шовқин учун товуш даражаси *dBA* ни, 10 *dBA* га қабул қилишига йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг
2024 йил 14 августдаги 01/2-57-сон
буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган айрим шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2019 йил 15 октябрдаги 480-сон буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 2.08.01-19 «Турар жой бинолари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари.

2. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2020 йил 25 сентябрдаги 258-сон буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 2.08.01-19 «Турар жой бинолари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилган 1-сон ўзгартиришлар.

3. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2022 йил 18 февралдаги 22-сон буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 2.08.01-19 «Турар жой бинолари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилган 2-сон ўзгартиришлар.

4. Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2023 йил 13 октябрдаги 341-сон буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 2.08.01-19 «Турар жой бинолари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисидаги буйруғи (ҳисоб рақами 219, 2023 йил 23 ноябрь).